Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 18 сентябрь 1970 йил, жума ◆ № 218 (14.684). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент механизациялашган ўрмон хўжалиги ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг КПСС XXIV съезди шарафига қабул қилган оширилган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўрмон хўжалиги давлат комитети системасининг бошланғич партия ташкилотларига Тошкент механизациялашган ўрмон хўжалиги ходимларининг қимматли ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўрмон хўжалиги давлат комитети, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область, шаҳар ва район ижроия комитетлари зиммасига ҳар бир хўжалик бўйича ўрмон бойликларидан самарали фойдаланиш, янги ўрмонзор ва ёнғоқзорлар вужудга келтириш, техникадан яхшироқ фойдаланишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мажбурияти юклатилди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон телеграф агентлигига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига Тошкент механизациялашган ўрмон хўжалиги ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг ташаббусини кенг пропаганда қилиш топширилди.

Охунбобоев районидаги Ленин номли колхоз аъзолари пахтадан мўл ҳосил етиштиришди ва уни жадал йиғиб-териб олишяпти. Хўжаликнинг барча бригадаларида терим суръати кун сайин ошириляпти. Бунда кўп минг килограммчи теримчиларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Суратда: илғор теримчи Угилча Дадабоева. Мавсумда 10 тонна пахта териш учун курашаётган бу чевар теримчи ҳар куни 150-160 килограммдан «оқ олтин» теряпти.

Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ).

ТАСС АХБОРОТИ

1970 йил 12 сентябрда Ой траекториясига чиқарилган «Луна-16» автомат станцияси парвозини давом эттирмоқда.

Ер—Ой трассаси бўйлаб парвоз вақтида станция билан 26 марта алоқа боғланди. Шу вақт ичида ҳаракат траекториясининг параметрлари ўлчанди ва борт системаларининг иши текшириб кўрилди. 13 сентябрда станциянинг Ой атрофидаги фазонинг белгилаб қўйилган нуқтасига чиқишини таъминлаш учун унинг ҳаракат траекторияси тўғрилаб қўйилди.

17 сентябрда «Луна-16» автомат станцияси Ойга яқинлашиб бораётган вақтда фазода Қуёш ва Ерга нисбатан тўғрилаб қўйилди. Шундан кейин траекториянинг белгилаб қўйилган нуқтасида двигатель установкаси ишга солинди. Бу установка станцияга тегишли тормозлаш импульсини берди. Натижада «Луна-16» станцияси қуйидаги параметрларда Ой сунъий йўлдошининг доира шаклидаги орбитасига ўтди:

Ой сатҳидан баландлиги — 110 километр;

Ой экваторининг текислигига нисбатан орбитанинг оғиши — 70 градус;

Айланиш вақти — 1 соату 59 минут.

Олис космик алоқалар маркази «Луна-16» автомат станцияси билан радио орқали барқарор алоқа қилиб турибди.

Телеметрик маълумотларга қараганда, борт аппаратлари нормал ишламоқда. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

ЯНГИ МАРРАЛАР

Тошкент механизациялашган ўрмон хўжалиги ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг КПСС XXIV съезди шарафига қабул қилган

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Бутун совет халқи каби Тошкент механизациялашган ўрмон хўжалиги ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ҳам КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг мамлакат қишлоқ хўжалигини янада зўр бериб юксалтиришга қаратилган тарихий қарорларини якдиллик билан маъқулламоқдалар.

Ўрмон хўжалиги коллективи ўз имкониятларини чамалаб кўриб ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш резервларини аниқлаб, КПСС XXIV съезди шарафига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

Дарахт ўтқазиш бўйича шу беш йиллик планни 1 декабргача бажариш, пландан ташқари 365 гектар майдонга ёнғоқ-мевали ва мевали дарахтлар кўчати ўтқазиш, уларнинг камида 85 процентининг кўкаришига эришиш. 180 гектар майдонда кўчатзорлар барпо қилишни тугаллаш ва 1970 йилда камида 2,5 миллион туп стандарти кўчатлар етиштириш ва пландагидан ташқари 200 мингта кўп ўрмонбоп дарахтлар ва ёнғоқмевали навлар кўчати етиштириш.

Ўрмон ходимлари куни — 20 сентябргача колхоз ва совхозларга қарашли ерлардаги тоғ ёнбағирларида 500 гектар майдонда террасалар ҳосил қилиш ишларини бажариш, пландан ташқари 50 гектар майдонда террасалар ҳосил қилиш, кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишда колхоз ва совхозларга ёрдам бериш ҳамда ана шу мақсад учун 450-500 минг туп кўчат ажратиш.

Давлат ўрмон фонди ерларидан рационалроқ фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун яроқсиз бўлган 500 гектар ерни келгуси беш йилликда ўзлаштириш ва ана шу ерларга ўрмонбоп ва ёнғоқ-мевали дарахтлар кўчати ўтқазиш.

900 гектар майдондаги ўрмон дарахтлари тепа қисмининг бир-бирига туташиб кетишига эришиш, 3850 куб метр ҳажмида парвариш қилиш ва ўрмон дарахтларини қайта тиклаш мақсадида қирқиш планини бажариш ва пландан ташқари 1450 куб метр ёғоч тайёрлаш.

Ёғоч ва ёғоч чиқиндиларидан пландаги 570 минг сўмлик ўрнига 610 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари ва ишлаб чиқариш буюмлари тайёрлаш ҳамда реализация қилиш. Буюмлар ассортиментини кенгайтириб, уларнинг хилини 14 тадан 18 тага етказиш, маҳсулот таннархини 3 процент арзонлаштириш, 160 минг сўм фойда олиш, ўрмон хўжалигининг ўз маблағларидан пландан ташқари 135 минг сўмини оширилган мажбуриятларни бажаришга сарфлаш.

Бу йилги мева ҳосилини сақлаб қолиш, 220 тонна — 1964 йилдагига нисбатан 5 баравар ва ҳосил энг кўп бўлган 1967 йилдагига нисбатан 60 тонна кўп мева йиғиб олиш ҳамда давлатга топшириш.

Боғлардаги мевали дарахтларни парвариш қилишни, суғориш ва ўғитлардан фойдаланишни яхшилаш асосида 1975 йилга бориб олинадиган меванинг ялпи ҳосилини камида 500 тоннага етказиш. Ана шу муддатга бориб олинадиган ёнғоқ ҳосилининг миқдори 1970 йилдагига нисбатан ўн баравар кўпаяди. Келгуси йилларда мева ҳосилининг кўпайишини ҳисобга олиб, 30 тонна маҳсулот кетадиган мева сақланадиган омбор ҳозирлаш ва мевани қайта ишловчи установкалар сотиб олиш.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида мавжуд бўлган ва фойдаланилмаётган катта резервларни ишга солиш. Ўрмон хўжалиги ишчи ва хизматчилари, болалар муассасалари, мактаб ва касалхоналар гўшт-сут маҳсулотлари билан кейинги вақтларгача давлат манбалари ҳисобидан таъминланиб келди. Истеъмолчидан етиштирувчига ўтиш вақти келди. Шу мақсадда:

1971 йилда қорамоллар фермаси ташкил этиш ва ундаги моллар сонини 1975 йилга бориб 200 бошга етказиш;

паррандачилик фермаси ташкил этиб, ундаги товуқлар, ўрдаклар ва ғозлар сонини 10 мингтага етказиш;

асаларичиликни вужудга келтириш ва асалари уялари сонини 1975 йилга бориб 200 тага етказиш, ҳар йили камида 3000 килограмм товар асал етиштириш;

Оҳангарон ўрмончилигидаги, Оҳангарон дарёси ўзанидаги табиий сув ҳавзаларини кенгайтириш йўли билан балиқларни урчитиб кўпайтиришни йўлга қўйиш, ана шу ҳавзаларда юз мингтагача балиқчалар ўстириш.

Чорвачилик фермасидаги қора молларни ва паррандачилик фермасидаги товуқлар, ўрдаклар ва ғозларни ўрмон хўжалигининг ўзида етиштирилган ем-хашак билан боқиш, шу мақсадда ўрмонлардаги ва боғлардаги дарахтларнинг қатор орасидан озуқа ва дони экинлар экиш учун фойдаланиш.

Машина-трактор паркидан фойдаланиш коэффициентини қуйидагича ошириш:

тракторлардан фойдаланиш коэффициентини 1969 йилдаги 0,6 ўрнига 0,8 га етказиш;

автомашиналардан фойдаланиш коэффициентини 1969 йилдаги 0,7 ўрнига 0,8 га етказиш.

Беш йилликнинг охирига (1971 — 1975 йиллар) бориб ерни тайёрлаш ва дарахт экишни механизациялаш даражасини 100 процентга, ўрмонлардаги дарахтларни парвариш қилишни механизациялаш даражасини 85 процентга, дарахтларни кесишни механизациялаш даражасини 70 процентга етказишни таъминлаш.

Бир гектар ерни юмшоқ ҳайдаш учун қилинадиган харажатлар таннархини 2 процент камайтириш, тракторлар билан бир сменада юмшоқ ер ҳайдаш бўйича бажариладиган ишнинг ўртача ҳажмини 6-7 гектарга етказиш, камида 5 процент ёнилғимойлаш материалларини тежаб қолиш.

Қишлоқ хўжалик техникасини сақлаш учун бостирмалар қурилишини 1970 йил 1 октябргача тугаллаш.

Малакали механизатор кадрлар тайёрлаш мақсадида ҳар йили механизациялаш билим юртлари ва техникумларига хўжаликнинг зарур миқдордаги ёш ишчиларини ўқишга юбориш.

Капитал маблағларни шу йилнинг 7 ноябригача ўзлаштириш ва барча объектлар қурилишини 1 октябргача сифатли қилиб тугаллаш. 1970 йилда ичимли сув олиш учун қудуқ қазишни ва Оҳангарон ўрмончилигини электрлаштиришни тамомлаш, душхона қуриш, дурадгорлик устахонасини реконструкциялаш ва ўрмон хўжалиги посёлкасини газлаштириш ни поёнига етказиш.

Биз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида тежамкорликка қатъий риоя қилишни кучайтириш ҳақидаги Хатини ўзимизнинг бутун ишлаб чиқариш фаолиятимизга асос қилиб олдик.

Ўзбекистонлик ўрмончи ўртоқлар! Тошкент механизациялашган ўрмон хўжалигининг коллективи ўз зиммасига оширилган социалистик мажбуриятлар олар экан, сизларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тезроқ юксалтириш, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилишга даъват этади.

Биз КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун бутун кучимизни, билимимизни сарфлаймиз, барча имкониятлардан фойдаланамиз, қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрамиз.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР ТОШКЕНТ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН УРМОН ХЎЖАЛИГИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

КПСС XXIV съезди шарафига

МАШИНА — ҚАНОТИМИЗ

МИРЗАЧЎЛЛИК МЕХАНИЗАТОР МАҲМУД НИШОНОВНИНГ РЕСПУБЛИКАДАГИ БАРЧА ҚИШЛОҚ МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА ДАЪВАТИ

Маҳмуд Нишонов — Пахтакор районининг энг яхши механизаторларидан бири, донгдор чўлқувар. У 1947 йилдан бери тракторчи бўлиб ишлайди, 1953 йилдан бошлаб эса пахта териш машинасини ҳам бошқара бошлади. У шу дамгача Мирзачўлда меҳнат қилиб келмоқда. М. Нишонов неча минг гектарлаб қўриқ ерни ўзлаштирди, экинзорлар барпо этди, шахсан ўзи салкам 2.500 тонна пахта терди.

«Самарқанд» совхози ташкил этилган биринчи кундан бери у бригадага бошчилик қилмоқда. Унинг икки укаси: Абдухолиқ—механик-ҳайдовчи, Хамид — гидротехник. Тўнғич ўғли Рўзиқул—механизатор, ҳозир армияда хизмат қилмоқда. Иккинчи ўғли—механик-ҳайдовчи, пахта териш машинасида отаси билан сменадош бўлиб ишламоқда. Хуллас, Нишоновларнинг бутун оиласини механизаторлар оиласи деса бўлади.

Маҳмуд Нишонов бригадаси беш йилликни ўтган йилиёқ бажариб, топшириққа қўшимча равишда 134 тонна пахта топширди. Меҳнатдаги юксак кўрсаткичлари учун илғор механизатор Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан, «Шавкатли меҳнат учун» медали, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг учта медали билан мукофотланди, «Волга» автомобили билан тақдирланди.

М. Нишонов бригадаси юбилей йилида давлатга гектар бошига 25 центнер пахта топшириш мажбуриятини олди. Далада камида 27 центнерли — пландагидан 11 центнер кўп ҳосил етиштирилди. 250 тоннадан иборат бутун ҳосилни бригадир ўзининг сменачи ўғли билан биргаликда теради. Машина терими бошланиб кетди.

Республика меҳнаткашларининг КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун, давлатга 4 миллион 400 минг тонна пахта топшириш юзасидан олинган катта мажбуриятни бажариш учун бошлаган мусобақага қўшилган Маҳмуд Нишонов қишлоқ механизаторларини техникадан яхшироқ фойдаланишга, бу йил камида 2.000.000 тонна пахта териб беришга даъват қилади.

Қуйида донгдор механизаторнинг мактуби эълон қилинди.

Кўп йиллардан бери мен тонгни пахтазорда қаршилаб, шундан завқ оламан. Лекин барибир унинг жамолига боқиб тўймайман. Мана, бугун ҳам эрта туриб, далага чиқдим. Чор атрофга оппоқ чойшаб ёйилгандек — кўз қамашади. Қордек оппоқ пахта — диёримизнинг бебаҳо неъмати, «оқ олтин», халқ бойлиги қувончи чаноқларни ёриб чиқиб мени ол дегандек жилмайиб турибди.

Яқиндагина ҳувиллаб ётган қўриқ ерлар мўл ҳосил бермоқда. Пахта терими арафасида агроном далаларни айланиб чиқиб, кўсакларни санади-да: «27 центнердан кам бўлмайди», — деди. Менинг даламда дуруст ҳосил етилганлигига фахрланаётганлигимни яширмайман. Баҳорда мен бу ерга чигит экдим. Ғўза лийраб ўссин деб бутун ёз бўйи — кун сайин унинг тагини юмшатиб турдим, экиним мириқиб сув ичсин деб жўяк олдим. Ўз меҳнатингнинг самарасига фахрланмай бўладими ахир!

Ўз қувончимни дўстимга изҳор этдим. Мана, у дала бошида, менинг ёнгинамда турибди. Мен унга: «Раҳмат, дўстим, панд бермадинг», — дейман.

Дўстим деб тракторни айтаётирман. Чиндан ҳам у миришкор дўст, унинг моторига жойланган от кучларининг ҳаммаси ҳақиқий отга айлангудек бўлса, мен бутун бир йилқи подасига эга бўлиб қолар эдим. Биз ёзин-қишин у билан биргамиз. Яхши дўст бўлиб қолдик, бир-биримиздан гинамиз йўқ. Трактор ҳақида ҳар қанча шеър ёзсанг, қўшиқ тўқисанг ҳам оз. Тракторнинг пўлат тишлари халққа бойлик келтирди, деҳқон меҳнатини бутунлай ўзгартириб юборди. Инсон асрлар бўйи деҳқончилик қилиб келди, қадоқ қўллари қабаргунча ишлади. Лекин бунинг эвазига ердан нима олди?

Бу ҳақда оқсоқоллар кўп гапларни айтиб бера оладилар — бир замонлар зўр машаққат билан қилинган меҳнат эвазига даладан арзимас ҳосил олинганлиги, у билан ҳатто оила тебратиш ҳам қийин бўлганлиги қарияларнинг эсида.

Меҳнаткаш деҳқоннинг фикри-зикри ва орзу-умидларини Ленин ҳаммадан яхши тушунди. У деҳқонни техника билан қуроллантиришни партияга васият қилди. Ҳозир далаларда шунчалик кўп машина жавлон ураётганини Владимир Ильич кўрганида, нақадар қувонган бўлар эди. Совет ҳокимияти эндигина барпо этилган чоғда Ленин бутун Россияга юз мингта трактор беришни орзу қилган эди. Ҳозир эса биргина бизнинг республикамизда 130 минг трактор бор. Ўзбекистон колхозчилари съездида тилга олинган бу рақамни ҳар бир деҳқон яхши билади.

Эндиликда Гулистон деб аталса арзигулик Мирзачўл афсоналардагидек яшнаб кетганлиги, Шеробод дашти ўзлаштирилиб, неча минг тонналаб мамлакатга пахта бераётганлиги, мисли кўламда зўр ҳужум бошланган Қарши даштида партия билан халқ иродасига кўра яқин келажакда пахтачиликнинг катта районини барпо этилаётганлиги — булар бир зафарлардирки, кишиларимиз қудратли техника билан қуроллантирилмаганида, буни орзу ҳам қилиб бўлмасди! Халқ афсонавий минг қўлли баҳодирни ҳам ер юзини шу қадар ўзгартириб юбороладиган даражада кучли деб фараз қилмаган эди. Замонамиз ҳақиқати асрий афсоналардан ҳам ўтиб кетди.

Деҳқонлар аввал бошда тракторга қанчалик ишончсизлик билан қараганликларини китоблардан ўқиганман. Бундай воқеа қаерда бўлса бўлгандир, лекин мен туғилиб ўсган қишлоқда одамлар машинага дарҳол ихлос қўйишган.

(Давоми учинчи бетда).

4.400.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлаш ва дефолиациянинг бориши тўғрисида 1970 йил 17 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Областлар	Топширилган пахта: Бир кунда	Топширилган пахта: Мавсум бошидан буён	Шу жумладан, машина терими: Бир кунда	Шу жумладан, машина терими: Мавсум бошидан буён	Дефолиация қилинган майдон (гектар ҳисобида)	Планнинг бажарилиш процента
Бухоро	3,75	49,25	3,07	20,37	109458	99,5
Қашқадарё	3,40	36,98	2,98	16,76	73071	140,5
Сурхондарё	2,03	18,90	1,14	4,84	59568*)	66,2
Хоразм	1,96	16,40	0,17	0,28	52365	104,7
Андижон	1,86	14,49	0,12	0,23	27902	28,8
Фарғона	1,64	14,11	0,19	0,34	26684	23,0
ҚҚ АССР	1,60	13,90	0,05	0,05	85198	85,2
Наманган	1,59	10,44	0,41	0,93	22150	33,6
Тошкент	1,61	7,25	1,19	3,28	123884*)	88,5
Самарқанд	1,04	5,66	0,02	0,05	40965	38,3
Сирдарё	0,66	2,88	0,43	0,89	247664	115,7
Республика бўйича:	1,83	16,10	0,74	3,23	868909	76,1
Шу жумладан ингичка толали пахта						
Сурхондарё	2,13	25,96				
Қашқадарё	2,30	24,13				
Бухоро	0,75	9,64				
Республика бўйича:	1,90	22,42				

*) Такрор дефолиация чиқариб ташланган.

МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

Алимурод ЁҚУБОВ,
Сурхондарё область
Шеробод районидаги
Охунбобоев номли совхоз
механик-ҳайдовчиси.
105 тонна.

Маматрайим ПОЕНОВ,
шу совхознинг
механик-ҳайдовчиси.
60 тонна.

◆

Қўшоқ ҚАРШИЕВ,
шу совхознинг
механик-ҳайдовчиси.
55 тонна.

◆

Ҳанифа САМИЕВА,
Бухоро область, Қоракўл
районидаги «Бухоро»
колхозининг механик-
ҳайдовчиси.
90 тонна.

ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ СЪЕЗДГА СОВҒАСИ

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАН

ЎЗБЕКИСТОН металлининг шуҳрати Бекободдан таралган. Пўлат, сортли прокат, тунука — буларнинг ҳаммаси ана шу корхонанинг маҳсулотидир. В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи коллективи неча-неча бор ажойиб ва қутлуғ ташаббуслар бошлаб берган, металлурглар ҳамиша социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб бормоқдалар. Беш йиллик корхона аҳли учун муттасил юксалиш ва ишлаб чиқариш қувватларини яна ҳам ошириш йиллари бўлди. Съезд олди социалистик мусобақасига қўшилган коллектив янги марраларни белгилади.

Заводнинг беш йиллик плани муддатидан илгари — бешинчи ноябрда бажарилади. Меҳнат унумдорлиги шу давр мобайнида 1965- йилдагига нисбатан 45 процент кўтарилади. Йиллик планга қўшимча тарзда 850 минг сўмлик маҳсулот сотилади. Булар орасида 4 минг тонна пўлат, 7 минг 600 тонна сортли прокат, 400 тонна тунука бор.

Янги техника ва илғор технологияни жорий этиб, меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқарувни илмий асосда уюштириб, ички ресурсларни сафарбар этиб, беш йилликнинг якунловчи йилида ўтган йилдагига нисбатан меҳнат унумдорлиги 3.6 процент оширилади.

Металлурглар 200 тонна металл, ярим миллион киловатт-соат электр энергия тежаб қоладилар, планга қўшимча тарзда 500 минг сўм фойда кўрадилар, моддий рағбатлантириш фондига 1,2 миллион сўм ажратадилар, бунинг шарофати билан металлургларга камида ўн саккиз кунлик иш ҳақи миқдорида йиллик фойда пули беришга эришилади.

Техника тараққиёти металлургларнинг иттифоқчисидир. Мажбуриятларда фан ва амалиёт ютуқларини жорий этишга, кўпроқ металл эритишга ёрдам берадиган тадбирлар ҳам белгилаб чиқилди. Биринчи печни батамом реконструкция қилинади, пўлатни узлуксиз қуйиш жараёнида заготовкаларни импульс усулида кесиш машинаси жорий этилади. Мураккаб профилдаги прокат турларини ишлаб чиқариш кўпаяди.

Урол ва Болга иттифоқини янада мустаҳкамлашга интилиб, Ўзбекистон металлурглари ўз оталиқларидаги учинчи совхозга нефть қуйиладиган ускуналарни монтаж қилишда, тахта тилинадиган устахонани ва бешта қишлоқ хўжалик машинасини капитал ремонт қилишда, болалар боғчаси қуришда кўмаклашади. «Октябрь 50 йиллиги» совхозида металлурглар теплицанинг иккинчи навбатини қуришда кўмаклашадилар.

ТРАКТОРЛАР КАРВОНИ

ТОШКЕНТ трактор заводи шу беш йилликда бунёдга келди. Бу катта етук корхона коллективи мураккаб технология жараёнларини ўзлаштириб олди ва катта техник вазифаларни ҳал этди. Куни кеча заводнинг бош конвейеридан ўн мингинчи Ўзбекистон трактори тушди. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб беришга ҳаракат қилаётган, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини муттасил ошираётган коллективнинг янги марралари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларда ўз аксини топди.

Тракторсозлар 1970 йилда 1965 йилдагига нисбатан товар маҳсулот ишлаб чиқаришни 3,26 баравар кўпайтирадилар, шу давр мобайнида маҳсулот реализация қилиш 3 баравар ортади, йиллик планни тракторсозлар 26 декабрда, беш йиллик планни 20 декабрда бажарадилар.

Беш йиллик планга қўшимча тарзда 3 миллион 530 минг сўмлик товар маҳсулот, шу жумладан 1970 йил топшириғига қўшимча тарзда 1 миллион 470 минг сўмлик товар маҳсулот тайёрланади. Беш йилликнинг якунловчи йилида планга қўшимча тарзда 450 прицеп, 30 та ярим прицеп, 150 та трактор, 20 минг сўмлик прицепларга запас қисмлар тайёрланади.

Бир қанча ташкилий-техникавий тадбирлар туфайли тракторсозлар 30 тонна металл, 400 тонна шартли ёқилғи, 1,3 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежаб қоладилар.

Илмий-техника тараққиётига оид тадбирларни жорий этиш тракторсозларнинг социалистик мажбуриятида катта ўрин тутади. 10 та агрегат ва махсус станокларни жорий этиш, 6 та поток линия уюштириш «Т-28-Х 4» тракторининг тиркаладиган қисмлари учун деталлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилади, тайёрлов, пресс-пайвандлаш ва бўёқчилик цехлари муддатидан илгари қуриб битказилади.

Завод ўз оталиғидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига ва «Қибрай» тайёрлов пунктига йиғим-терим ва тайёрлаш ишларида ёрдам беради, 1-«Далварзин» совхозида ўз ускуна ва инструментлари билан махсус устахонани жиҳозлайди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Ҳар гал алмашлаб экиш масаласи кўтарилганда Калинин номли колхознинг бригадири Акбар отанинг гапи ёдимга тушади:

— Етмиш бир қовун пишиғини кўрдим. Эсимни таниганимдан буён пахтада ишлайман. Бир ерга узоқ вақт сурункасига экавердик. Оқибатда ғўза вилт билан касалланди, хосилдорлик камайди, кўп хўжаликлар ўтириб қолди. Бунинг сабаблари кўп, аввало алмашлаб экиш издан чиқди. Беда, маккажўхори, шоли, сабзавот экинларини экиш учун ажратилган ерларга ҳам ҳар йили чигит экавердик. Бироқ, ютамиз деб ютқазиб қўйдик...

Кекса коммунист Акбар ота Отабековнинг юракдан чиқариб айтган сўзлари мени ҳамон ҳаяжонга солади, ўйлашга, мулоҳаза юритишга мажбур қилади. Ҳақиқатан ҳам баъзи партия, совет ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари алмашлаб экишга эътиборни сусайтириб юборган эдилар. Пахта-беда алмашлаб экишда кўзбўямачилик фактлари содир бўлганди.

Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз бу муҳим масалага эътиборни кучайтирдилар ҳамда алмашлаб экишни кенг жорий қилиш йўлларини кўрсатиб бердилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленуми «Республикада пахтачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда алмашлаб экиш— мўл ҳосил гарови эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ана шундан кейин Ленин район партия ташкилоти ҳам алмашлаб экишга муносабатни ўзгартирди. Бу муҳим масала кун тартибидан тушмай қолди. Акбар ота каби жонкуяр коммунистларнинг ташаббуси билан қатор хўжаликларда тупроқнинг структураси ўрганилди. Пахта-беда алмашлаб экиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Районимиздаги Энгельс номли колхозда умумий экин майдонининг 99 процентига чигит экиларди. Алмашлаб экиш издан чиққани учун пахтачиликда ҳам, чорвачиликда ҳам ташвишли аҳвол рўй берди. Ҳосилдорлик кескин камайиб, 30 центнердан 17 центнерга тушиб қолди. Колхоз коммунистлари, мутахассислар қолоқлик сабабларини атрофлича ўрганиб чиққач, алмашлаб экишни кенг йўлга қўйишни таклиф қилдилар. Райком бу таклифни бюрода кўрди ва область партия комитетига етказди. Обком бизни қўллаб-қувватлади.

Шундан кейин Энгельс номли колхозда областда биринчи бўлиб пахта-беда алмашлаб экишнинг ўн далали схемаси ишлаб чиқилди. Шу схемага мувофиқ, 10 йил давомида колхоздаги ҳамма экин майдонлари беда ва озуқабоп экинлар билан бир марта тўлиқ алмашиниб чиқилади.

Колхоздаги экин майдонлари 60 та далага бўлинган. Бу йил ана шу даладан 7 тасига, яъни 244 гектар ерга озуқабоп экинлар экилди. Шундан 129 гектарига арпа билан беда, қолган қисмига эса маккажўхори экилди. Экинларни жойлаштиришда ернинг ҳолати—вилт билан зарарланиш даражаси ҳисобга олинди.

Кўпроқ озуқа олиш мақсадида беда бошоқли дон экинлари ва маккажўхорига аралаштириб экилди. Бу ерларнинг гектаридан 24 центнердан буғдой, 14,5 центнердан арпа йиғиб олинди. Бедага маккажўхори аралаштириб экилган майдонларнинг гектаридан 270 центнердан силос бостирилди. Нуқул маккажўхори экилган ерларнинг ҳар гектаридан 600 центнердан силосбоп поя олинди.

Бултур маккажўхори, сабзавот экилган ва икки йиллик бедапоялар бу йил пахта майдонига айлантирилди. 1531 гектар ердаги ғўзада мўл ҳосил тўпланди.

Алмашлаб экишнинг жорий этилиши пахта ҳосилдорлигини ошириш билан бирга чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш имконини беради. Колхозда шу йилнинг ўзида чорва молларига етадиган ем-хашак жамғарилди. Келгуси йилдан бошлаб эса эҳтиёждан ортиқча ем-хашак тўплаш имконияти туғилади. Озуқа дон етиштиришни кўпайтириш билан чўчқачилик фермасини қайта тиклаш мумкин.

Район партия комитети Энгельс номли колхоз коммунистларининг алмашлаб экишни жорий қилиш соҳасида тўплаган тажрибасини оммалаштириш чораларини кўряпти. Шу йилнинг август ойида Энгельс номли колхозда область пахтакорларининг кенгаши ўтказилди. Кенгашда партия, совет ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари, бригада бошлиқлари ва оддий коммунистлар иштирок этишди. Энгельс номли колхоз раиси А. Мўйдинов тўпланганларга алмашлаб экишнинг пахтачиликни юксалтириш ва пахтанинг ҳосилдорлигини оширишдаги роли ҳақида гапириб берди.

«УЗГИПРОЗЕМ» институти Андижон филиалининг директори П. Демирза, СоюзНИХИ Андижон филиалининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати О. Маҳмудов ва бошқа коммунистлар ҳам йиғилишда сўзга чиқиб, колхоз ва совхозларга алмашлаб экиш схемаси тузиб беришни мумкин қадар тезлаштириш кераклигини таъкидладилар. Йиғилишда ҳар бир хўжаликда ерларни тезрок алмаштириш имконини берадиган тадбирлар белгиланди.

Район бўйича олганда ҳам алмашлаб экиш схемасида талай ишлар қилинди. Бу йил маккажўхори, шоли, беда ва бошқа экинлардан бўшаган 1890 гектар ерга чигит экилди. Вилт кўп тарқалган 1091 гектар ерга маккажўхори, 370 гектар ерга сабзавот, 200 гектар майдонга шоли экдик. Бедапояларни кенгайтириб, 2940 гектарга етказдик. Бу, умумий майдоннинг 10,7 процентини ташкил этади.

Бу йил 11060 гектар майдонга вилтга чидамли «159—Ф», 1000 гектар ерга «152—Ф» навли чигит ташладик. Уруғни алмаштириш ҳам ўз самарасини кўрсатди. Районимизда бу йил вилт камроқ бўлди.

Алмашлаб экишга ўтишни таъминловчи омиллардан яна бири янги ер ўзлаштиришдир. Бунинг учун бизда катта имкониятлар бор. Районимиз территориясида адир ерлар кўп. «Правда Востока», «Комсомол 50 йиллиги» колхозлари адирларга ҳужум бошладилар. Биргина «Коммунизм» колхозининг пахтакорлари бу йил адирда 300 гектарда «оқ олтин» етиштирмоқда. Қирдаги ғўзаларда ҳосил мўл бўлди. Район бўйича адир бағридан 2210 гектар ер юлиб олинди ва пахта майдонига айлантирилди. Яқин келгусида адирлардан тағин 1000 гектар ер ўзлаштирамиз. Бунинг учун 4 та йирик насос станцияси қуряпмиз.

Бундан ташқари, Марказий Фарғона ерларида жойлашган «Оқ олтин» совхозининг экин майдонларини янада кенгайтириш чораларини кўряпмиз. Чўлга ишнинг кўзини биладиган, серғайрат коммунистларни юборганмиз. Улар янги ер ўзлаштиришнинг ташаббускорлари бўлиб танилмоқдалар.

Янги ер ўзлаштиришни кўпайтириш 1971 йилда районимиз бўйича яна 6 та колхозда алмашлаб экишни жорий қилиш имконини беради. «Коммунизм», Ленин номли, Свердлов номли, «Правда Востока», «Комсомол 50 йиллиги» колхозларида алмашлаб экиш схемаси ишлаб чиқилмоқда. Бу хўжаликларда келгуси йилда вилт кўп тарқалган катта майдонларга маккажўхори, беда, шоли, буғдой ва сабзавот экинларини экиш мўлжалланмоқда. Бу ишларнинг ҳаммасига партия ташкилотлари ва коммунистлар етакчилик қилишяпти.

Шунга қарамасдан, ишимизда камчиликлар ҳам кўп. Районимизда кўп маблағ сарфлаб, оз маҳсулот етиштираётган, илғор тажрибаларни кенг ёйишга, алмашлаб экишни кенг жорий қилишга эътиборсизлик билан қараётган партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Яқин йилларгача пахтадан юқори ҳосил етиштириб, бутун республикага донг таратган Свердлов номли колхозда алмашлаб экишга эътибор берилмай қўйди. Оқибатда ҳосилдорлик камайиб, хўжалик ўтириб қолди. Пахтанинг таннархи қимматлашиб план сурункасига тўлмаётир.

Бошқа айрим хўжаликларда ҳам ана шундай ачинарли аҳвол рўй беряпти. Вазифа — ишдаги камчиликларни бартараф этиш ва имкон борича алмашлаб экишни жорий қилишдан иборат. Тўғри, алмашлаб экишни барча хўжаликларда бирданига жорий этиб бўлмайди. Ҳар бир хўжаликнинг имкониятини ҳисобга олиб, шунга мос келадиган алмашлаб экишни, экинларни навбатлаб жойлаштиришни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил июль Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш йўлларини кўрсатиб берди. Районимиз коммунистлари ва барча меҳнат аҳли истиқболни кўрсатувчи бу программани якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Пленум материалларидан руҳланган районимиз пахтакорлари Андижоннинг 500 минг тонналик улкан хирмонига бу йил камида 72 минг тонна пахта тўкиш учун астойдил курашмоқдалар. КПСС XXIV съездини ёруғ юз билан кутиб олиш учун юриш бошлаган районимиз меҳнаткашлари пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар.

С. СОДИҚОВ.
Андижон область, Ленин район партия комитетининг биринчи секретари.



Суратда: Навоий химия комбинатининг учинчи навбатини қуришда ишлаётган аппаратчилар Л. Зверянов, Г. М. Мелешкин ва В. Шампаровлар. Бу бинокорлар КПСС XXIV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлашяпти.

А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ГУЛИСТОН, (ЎзТАГ). Сирдарё область Фориш районидаги «Чимқўрғон» қоракўлчилик совхози катта муваффақиятларга эришди. Беш йиллик топшириқлар барча ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича муддатидан илгари бажарилди. Давлатга қоракўл тери сотиш плани қарийб йигирма уч процент ошириб бажарилди. Беш йилликда тайёрлов пунктларига салкам қирқ саккиз минг центнер гўшт юборилди. Бундан ташқари, совхоз деҳқонлари давлат омборларига ўн етти минг центнерга яқин ғалла топширдилар.

Совхоз меҳнаткашлари орасида чорвачилик ва деҳқончиликни ривожлантириш юзасидан шу йил учун мўлжалланган планларни муддатидан олдин бажариш учун съезд олди мусобақаси кенг қулоч ёйди.

Янгиликлар,
ХУШХАБАРЛАР

Ремонт авжида

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи меҳнатсевар ишчилари август ойидан бошлаб навбатдаги тепловозни ремонт қилишга киришишди. Азамат ремонтчилар то августгача битта локомотивни пландан ташқари ремонт қилиб беришган эди. Навбатдаги тепловоз ремонтини муддатидан 10 кун илгари тугаллаш мажбуриятини олган цех фидокорлари Х. Қосимов, Қ. Қорабоев, Т. Солихов сингари слесарлар смена топшириқларини доимо орттириб адо этаётирлар.

У. МУҲАММЕДОВ.
завод ишчиси.

Темир йўлчилар ютуғи

Урта Осиё темир йўлининг Фарғона бўлими ярим йиллик юк ташиш планини ортиғи билан бажарган эди. Саккиз ойлик план ҳам муваффақиятли ўринланди. Меҳнат унумдорлиги белгиланганига нисбатан анча ортиқ бўлди. Фойда олиш плани 111 процент бажарилди. Ишлаб чиқаришга жорий этилган 330 та рационализаторлик таклифидан 119 минг сўм самара кўрилди. Айниқса, Марғилон ва 1-Фарғона темир йўл станциялари коллективлари унумли ишлашди.

А. ТРУШИН.

Совет кишисининг фазилати

МЕҲРИ ҚУЁШ

ЛАВҲА

Йўлингиз тушиб, Ёзёвонга боргудек бўлсангиз оналарга, албатта, оналарга, азиз фарзандларини боғча томон етаклаб бораётган муҳтарам оналарга бир эътибор беринг-а. Улар орасида бир-биридан ширин икки дўмбоқчани коляскага ўтқазиб олган Ҳафиза опани ҳам учратасиз. Кичкинтойларнинг кулиб-қиқирлашлари, уларнинг бийрон тиллари меҳрингизни тортади, беихтиёр бири ўзбек, иккинчиси қирғиз эканлиги хаёлингизга ҳам келмайди.

Воқеа бундай бўлган эди... Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни Ҳафиза опа эрта билан ўғил-қизларини ювиб-тараб, яхши кийинтириб сайрга олиб чиқди. Шу пайт район касалхонасининг ҳамшираси Гулшаной Солиҳова дуч келиб, «Тез ёрдам»да бир соатга навбатчиликка олиб боришни илтимос қилиб қолди.

Ҳафиза опа рози бўлди. Болаларини уйга юбориб, хонага кирган ҳам эдики, телефон жиринглаб қолди... Чақириқ: Бемор!..

Жонкуяр шифокор керакли дори-дармонларни олиб, «Тез ёрдам» машинасида анча олисдаги Бўтқачи қишлоғида яшовчи Турғун Қодировникига зудлик билан етиб борди. Уйга кириб аъзойи-баданн жимирлаб кетди. 8-9 ёшлар чамасидаги бола тўшакда ётган ушоққина қизчанинг оғзига сув томизаётган эди. Ҳафиза опани кўрган бола кўзига ёш олди, нажот тилади:

— Укамга ёрдам беринг, дўхтур опа...

Жажжи қизчанинг аҳволини кўрган Ҳафиза опа раҳми келиб сўради:

— Ойинг қаердалар?

— Онам... бир ҳафта бўлди, вафот қилдилар, — йиғлаб юборди бола.

Вақт ғанимат эди, чунки қизча бир ҳафтадан буён она сутини тотмаган, бунинг устига касалванд бола ўлим чангалида жон талашарди. Оналик меҳри жўш урган Ҳафиза опа уни бағрига босиб, кўксини тутди, аммо қизча эма олмади, тамшанишга ҳам мажоли йўқ эди. Ниҳоят, қизчани касалхонага олиб кетди.

Касалхонада врачлар бу аҳволни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолдилар. Бир ёшли қизчанинг юрак уриши ҳатто сезилмасди ҳам...

— Нима қилдик-а, Ҳафизахон, — деди бош врач Жамбул Бекаев уйга толиб. — Боланинг аҳволи ғоят мушкул, унинг устига онаси ҳам...

— Мен оналик қиламан! — дадил жавоб берди Ҳафиза опа. — Майли менинг ўн биринчи фарзандим бўлсин кўлимдаги Авазбегим билан бирга униб-ўссин...

Ҳафиза опада бунчалик журъат ва жасорат қандай пайдо бўлди дерсиз! Бунинг боиси бор, албатта. 1929 йилда Шаҳрихонда паранжи ташлаш авж олган эди. Кунларнинг бирида уларникига Лайлихон исмли аёл кириб келади ва онаси Хайринисо опа билан паранжи ташлаш маросимига кетишади. Хайринисо опа маросимдан гулгул очилиб қайтади. Аммо диндор умр йўлдоши Қорабой Қосимов Хайринисони очиққа чиққани учун пичоқлаб ўлдиради. Ўн етти кунлик Ҳафизахон етим қолади. Онасининг дугонаси Лайлихон унга оналик қилади, камолга етказади. Ҳафизахон меҳри қайноқ Лайлихон опа бағрида улғаяди. Ҳа, у меҳрибонликни, инсонпарварлик ва олижанобликни софдил одамлардан ўрганган...

Мана, у дори-дармондан бироз ҳушига келган болани ўз уйига олиб кетяпти. Хаёлида умр йўлдоши Йўлдошали. Оғзидан асло ножўя гап чиқмайдиган ширинсуҳан, пок қалбли уста Йўлдошали бу ишга қандай қарар экан? «Қирғиз қизча олиб келдингми? Ўзимизникилар камлик қилаётганмиди?» — деса-я. «Йўқ, йўқ, — шивирлади Ҳафиза опа, — у фақат хурсанд бўлади».

Ҳа, у адашмаган эди. Йўлдошали ака умр йўлдошининг бу ишини бажонидил маъқуллади. Фақат чақалоқнинг ҳолдан кетиб қолганлиги уни ташвишлантирди. «Кошки одам қилиб юбора олсак» деди у ачиниб.

Ҳафиза опа Ражапова Охунбобоев районидаги «Ленин йўли» колхози қошидаги фельдшер-акушерлик пунктининг мудири. У ўз вазифасини сидқидиллик билан адо этиб келаётир. Юзлаб беморлар унинг самимий меҳридан шифо топди. У ўзининг ана шу тиббий тажрибасини ишга солиб, қизчанинг ҳаётини сақлаб қолиш учун туну кун курашди. Қувват берадиган дорилар билан уколлар қилди, ўғли Рустамжондан, эри Йўлдошали акадан икки мартадан қон олиб берди, Авазбегига кўкрак эмизди.

Ниҳоят, қизча соғайиб кетди, Ҳафиза опа унга ҳаёт бахш этди. Шоирахон деса чопқиллаб келадиган дўмбоққина қизча бўлиб қолди. Мана, энди у, боғчага қатнаяпти. Унинг қувончи чексиз, бахти бекиёс. Жажжи Шоирахоннинг онаси, отаси бор. Холисхон, Рустамжон, Хосиятхон, Маъруфжон, Майрамхон, Умаржон, Инъомжон, Маҳфиратхон, Илҳомжон, Авазбекдай меҳрибон опа ва акалари бор.

М. МУДАРРИСОВ.
Фарғона области.

МУҲИМ ВАЗИФА

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

Пойтахт шаҳар меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб ва беш йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун астойдил курашиб қувончли муваффақиятларга эришмоқдалар. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, шаҳар саноатчилари шу йилнинг саккиз ойлик планини 102,4 процент адо этдилар. Пландан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Халқ хўжалигига пландан зиёд 1600 та трактор, тўқимачилик саноати учун 111 минг сўмлик технологик ускуналар, колхоз ва совхозларга жуда кўп миқдорда пахтани қопламасиз ташиш учун мўлжалланган прицеп ва механик подборщиклар етказиб берилди. Республика пойтахтида 10 мингдан ортиқ ишчи беш йиллик план топшириқларини бажариб бўлди.

Тошкентда беш йиллик ва унинг якунловчи йили топшириғини муддатидан олдин бажариб, келгуси йил ҳисобига ишлаётган коллективлар кўпчиликни ташкил этади. Лак-бўёқ заводи, 3-ун заводи, устки трикотаж ва спорт товарлари фабрикаси, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти каби корхоналар ана шулар жумласидандир. «Ташсельмаш», «Компрессор», трактор, авиация заводлари, «Юлдуз» ва «Қизил тонг» тикув фирмаларининг коллективлари ҳам жонажон партиямизнинг XXIV съезди шарафига олинган мажбуриятларни бажаришда намуна кўрсатмоқдалар.

Тошкент шаҳар партия активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ана шу муваффақиятлар билан бир қаторда бир қанча саноат корхоналарида, жумладан «Главташкентстрой»да ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг аҳволи шу куннинг юксак талабларига жавоб бермаётганлиги, барча резервлар тўла ишга солинмаётганлиги ҳақида ҳам гап борди.

Йиғилишда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов республика партия активи йиғилиши якунлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида гапирди. Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Т. Эргашев, 159-қурилиш трестининг бошқарувчиси Т. Набиев, Фрунзе район ижроия комитетининг раиси З. Абдураҳимов, «Тошкенткабель» заводи прессловчиси В. Назаров, «Октябрь революцияси» номидаги тепловоз-вагон ремонти заводи партия комитетининг секретари К. Гнездилов, «Ташсельмаш» заводи директори И. Мусин ўртоқлар ўз нутқларини пойтахт шаҳар партия ташкилотлари олдида турган вазифаларга қаратдилар.

Ўзбекистон пахтакорлари бу йил 4 миллион 400 минг тонналик «оқ олтин» хирмони тиклашга азму-қарор қилганлар. Бу янги марранн забт этишда деҳқоннинг шаҳардаги мададкорлари — тошкентликлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Улар Сирдарё области колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдамини кучайтириб, Урок ва Болға дўстлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишлари мамнуният билан тилга олинди.

Партия активи йиғилиши якдиллик билан қабул қилган қарорда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев қатнашган республика партия активи йиғилишида қўйилган вазифалар республика партия ташкилотлари учун пойтахтнинг барча меҳнаткашлари учун жанговар вазифа эканлиги таъкидлаб кўрсатилди. Тошкентни қайта тиклаш, халқни коммунистик руҳда тарбиялаш борасида республика партия ташкилоти амалга оширган тадбирларга Л. И. Брежнев берган юксак баҳо шаҳар меҳнаткашларини меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларга руҳлантиради.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Партия активи йиғилиши ишида Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов ва КПСС Марказий Комитетининг инструктори М. Л. Ишков иштирок этдилар.

ЎЙЛАР

Фикрлар, мулоҳазалар

Жазирама ёзда, далалар бир томчи сувга ташна вақтида одатда суви камайиб, тошлари кўриниб қоладиган Ғузор дарёси энди инсон иродаси билан лиммолим оқяпти. Дарё ёқалаб бораётган машина дарчасидан салқин шабада урилади. Бу салқин шабада дарёдан ва Пачкамар сув омбори томондан эсяпти. Олисдан янги денгизнинг ғуёни деворлари ва чаликаларнинг арқидай чиройли ишланган салобатли зинапоялари кўзга ташланади. Тўғон остидан эса бир дарё сув қафасдан бўшаб қувонган арслондай ҳайқириб, кўкка сапчиб, наъра тортиб отилиб чиқяпти. Миллиардлаб сув зарралари шамол эпкинида булутга ўхшаб оқиста сузиб, сайр қилади.

Бизни Пачкамар сув омбори эксплуатация бошқармасининг бошлиғи Бобомурод Холмуродов қарши олди. Уттиз беш ёшлардаги озғинроқ бу йигит сув омборининг шарофати ҳақида соатлаб чарчамай гапира олишини сезиб турардик. У бизни мовий тоғлар оралиғида ярқираб турган кўл соҳилига бошлаб келди.

Сув, сув, сув... Омборда 1968 йилда 100 миллион куб метр сув тўпланди. Инсон қўли билан яратилган сунъий денгиз суви нималарга қодир эканлигини ҳозирданоқ кўрсатиб турибди. Сув омбори шарофати билан Ғузор районидаларида, К. Маркс номли, Ленин номли, Охунбобоев номли, «Партия XXII съезди» колхозларида, Киров номли, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозларида пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги ўтган уч йилда 14 центнердан 28 центнерга етди. Ленин номли, Маркс номли коллектив хўжаликларда эса 35 центнерга етди. Пахтадан бошқа экинлар, буғдой, сабзавот, ковун-тарвузларни айтмайсизми?

Буларнинг ҳаммаси яхши. Кўли гул миришкорларимиз сувнинг хосиятини нақадар яхши билиб, ундан моҳирона фойдаланишлари самаралари ҳаммамизни қувонтиради. Лекин, сув омбори ишга тушганидан буён ўтган қисқа муддатда ҳам сувнинг қанчалик қадрланаётгани ва нобуд қилинаётгани сезилиб турибди.

Пачкамар сув омбори лойиҳаланаётган вақтда унинг қуввати 20 минг гектар ерни суғоришга етади деб мўлжалланган эди. Чиндан ҳам шундай катта майдонларни суғоришга етгулик сув тўпланган.

Лекин, қатраси олтиндан қимматли сув кўпайгач, энди уни тежашнинг ҳожати йўқ деб, ёки арик-зовур, коллекторлар қазон бўлса ҳам битганда сув қочиб кетмас деб, хотиржамлик кайфиятига тушиш натижасида миллионлаб куб метр сув исроф қилиняпти. Ғузор районидаги ташна ерларни ноз-неъматлар масканига айлантирувчи сув масъул кишиларнинг масъулиятсизлиги туфайли фойда ўрнига зарар келтиряпти. У тескари иш қилиб, неча юзлаб гектар ҳосилдор ерларни зах, ботқоқ ерларга айлантириб ишдан чиқаряпти. Бунинг сабаби шундаки, Ғузор районида суғориш кўзда тутилган 20 минг гектар майдон ўрнига ҳозир атиги 14 минг гектар ер суғориляпти холос. Лойиҳага мувофиқ сув омбори қурилиши билан бир вақтда район хўжаликларидаги суғориш шохобчалари, коллектор-зовурларни ҳам қуриб битказиш кўзда тутилган эди. Лекин, районлаги айрим хўжаликларда сув омбори қурилиб битказилгандан кейин ҳам коллектор-зовур қазиш, бетон ётказиш ишлари ниҳоятда суст боряпти, суғориш тармоқлари жуда секинлик билан қуриляпти. Пачкамар сув омборидан фойдаланаётган К. Маркс номли, «Партия XXII съезди» колхозларида, Киров номли совхоз каби айрим хўжаликларда суғориш тармоқлари ҳалигача битказилмаган.

Яқинда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети суғориладиган ерлардан, сув иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш ва бу соҳадаги мана шундай камчиликларни тугатиш мақсадида муҳим қарор қабул қилди. **«Кўпгина колхоз ва совхозлар, — дейилади қарорда, — хўжаликлар ичидаги суғориш, ернинг захини кетказиш ва коллектор-зовур шохобчаларини техника жиҳатдан лозим бўлган аҳволда сақлаб туриш учун маблағ ажратишмаётир».** Ёки хўжаликлар маблағ ажратса ҳам, сув хўжалиги ташкилотлари шартномаларга биноан, колхоз ва совхозларнинг ички суғориш тармоқларини битказиш ва ремонт қилиш ишларини вақтида, етарли бажармаётирлар. Оқибатда сув омборларидан келаётган мўл-кўл сув обод экинзорларни ҳам зах ерларга айлантириб қўймоқда. Сув хўжалиги ташкилотлари тездан бу хавфнинг олдини олишлари керак.

Пачкамар сув омбори кўчма механизациялашган колоннаси (бошлиғи А. Шчербаков) қилган хайрли ишлардан ҳамма хурсанд. Чунончи, колонна Пачкамар сув омбори билан бирга Янгиқирғоқ ва Чапқирғоқ каналларини қуриб битказди. Лекин, шундан кейин қурувчилар ишимиз битди деб ўйладилар. Ҳолбуки, асосий суғориш ишлари эндигина бошланган эди. Сув омбори ва каналларни қуришдан мақсад ҳам шу сувсиз ерларни экинзорга айлантириш экан, бинобарин, бевосита шу ишларга хизмат қилувчи ички коллектор-зовурларни бетонлаштириш ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга. «Кашкадарьяводстрой» тресги (директори Юсуф Хушвақтов), Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳам бу ишларни тезлаштиришга жиддий эътибор беришлари лозим. Агар хўжаликлардаги суғориш шохобчалари битказилса яна 4 минг гектар ерда боғ-роғлар, полиз, сабзавот экинзорлари барпо қилиш мумкин.

Тўғон бошидаги суҳбатда яна бир муҳим масала эътиборимизни жалб қилди. Пачкамар сунъий денгизининг суви ҳар йили баҳор вақтида ғалла майдонларини қондириб суғориш имкониятини беради.

Суҳбатда бошқа бир муаммо ҳам тилга олинди. Пачкамар сув омборининг яна бир неъматидан фойдаланиш мумкин. Бу ерда балиқчилик хўжалигини ташкил этиш имконияти бор экан. Лекин афсуски, сунъий денгиздаги мўлкўл балиқлар баланд шар-шарадан отилиб чиқиб, тошларга урилиб нобуд бўляпти. Ҳолбуки, сув омборида балиқчилик хўжалигини ташкил этиш учун кўп куч-восита керак эмас. Тўғон суви отилиб чиқаётган кирғоқ яқини тўр билан ўралса кифоя. Сув омборидаги балиқчилик хўжалиги район меҳнаткашлари учун яна бир ноз-неъмат булоғига айланиши мумкин.

Пачкамар сувидан баҳраманд ерларда боғ-роғлар барпо қилишга ҳам тегишинча эътибор берилмаяпти. Не машаққатлар билан, замонамиз фарҳодлари халқ меҳри билан ёниб келтирган оби-ҳаётни эъзозлашимиз, унинг ҳар томчисида эртанги яшил экинзорларни, боғ ва гулзорларни кўришимиз керак.

М. МАҲМУДОВ,
П. ГАДОЕВ.

ТАНИШИНГ: ЯНГИ ЎҚУВ ЮРТИ

ИТТИФОҚДА ТЎРТИНЧИ

Ўзбекистонда матбуот тез суръатлар билан ўсмоқда. Ҳозир қайси бир областни, қайси бир районни, ёки катта фабрика-завод, ҳатто, колхоз-совхоз ва олий ўқув юртларини олиб қараманг, ўзининг матбуот органига эга. Бу эса полиграфия ходимларига бўлган талабни янада кучайтирмоқда.

Янги очилган республика полиграфия техникуми шубҳасиз матбаачилик, босмахона ишларини яхшилайди, республикамиз матбуотига ихтисосли, юқори малакали кадрларни етказиб беради.

Полиграфия бўйича СССРда тўртинчи бўлиб очилган бу ўрта махсус ўқув юртида ўзбек ва қардош республикалар (22 миллат) вакилларидан 500 га яқин йигит ва қиз таълим олмоқда.

Техникум ҳозирча 4 бўлимдан иборат. Булар: юқори босма технологияси, муқова ишлаб чиқариш технологияси, полиграфия машина ва ускуналари ҳамда китоб товаршунослиги бўлимларидир. Келгусида чуқур босма, офсет (текис) босма, фототехника цинкография, полиграфия экономикаси каби мутахассисликлар ҳам ўргатилади.

Республикамиз матбаачилигида технолог ва механикларга эҳтиёж ҳали ҳам катта. Шуни эътиборга олиб, бу илк мутахассис-кадрларнинг билими амалий машғулотлар билан боғлаб олиб борилади. Бунинг учун техникум қошида ўқув босмахона базаси қурилаётир. Китоб савдоси-товаршунослик бўйича ҳам ҳар йили 35-40 янги мутахассис ҳаётга йўлланма олади.

Ш. ОДИЛОВ.

МАШИНА—ҚАНОТИМИЗ

(Боши биринчи бетда).

Совет ҳокимияти юборган машинага деҳқонлар ишонишди. Машина ҳам деҳқонларнинг умидини оқлади. Машина қишлоқдаги энг оғир ишни ўз зиммасига олди. Биз машинадан миннатдор бўлишимизнинг боиси мўл ҳосил олаётганимиздангина эмас, биз ўқиб билим олаётганлигимиз, ўз фарзандларимизни ўқитаётганлигимиз, газеталар ва китобларни ўқиётганлигимиз, оқшомларни телевизор кўриб, кино ва клубларнинг томоша залларида ҳордиқ чиқариб ўтказаётганлигимиз учун ҳам машинадан миннатдормиз. Деҳқоннинг пўлат дўсти — машина бўлмаганида буларга вақт топилармиди. Ўнлаб деҳқонларнинг жонига аро кирган машина бўлмаганида қишлоқ аҳли ёшларни ўқишга юбора олармиди?

Трактор. Пахта териш машинаси. Кўрак узиш машинаси. Ростини айтсам, булар ҳақида тўлқинланмай гапира олмайман. Машина қанчадан-қанча кишиларнинг меҳнати билан бунёдга келган. Кон қидириб юрган геологнинг ҳам, олов билан басма-бас меҳнат қилаётган металлургнинг ҳам, зарбдор вахтада турган машинасозннинг ҳам, янги техникавий ечимларни қидириб, тунларни бедор ўтказаётган конструкторнинг ҳам меҳнати синггаи бу машинага. Ўн беш қардош совет республикасининг ҳар бири машинани бунёд этишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бизнинг далаларимизда ишлатилаётган техника — совет халқининг деҳқонга тортиқ қилган интернационал армуғонидир, Ўрок билан Болға бузилмас иттифоқининг рамзидир.

Қишлоқ хўжалигини техника билан қуроллантириш тўғрисида, деҳқоннинг меҳнатини тобора механизациялаштириш, унумли қилиш тўғрисида партиямиз зўр ғамхўрлик қилиб келди. КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг материалларида ана шу ленинча сидқидил ғамхўрликнинг жуда яққол ифодасини кўриб турибмиз. Ўртоқ Л. И. Брежнев докладини, Пленум қарорини ўқиганингда қалбинг қувончларга тўлиб кетади, нечоғли улуғвор программа белгилаб берилди, янги беш йилликда биз қанчадан-қанча янги ажойиб машиналар оламиз!

Партия Пленуми ҳужжатларини қайта-қайта ўқиб, яна кўп нарсалар тўғрисида ўйлайман. Қишлоқ хўжалигини ана шундай катта миқёсда биринчи даражали техника билан қуроллантириш давлатнинг жуда кўп маблағ сарфлашини талаб қилади. Давлатимиз қудратли, бадавлат, бу — тўғри. Лекин бизнинг қишлоқ хўжалигимиз учун янги техника етказиб беришга бюджетдан миллиард-миллиард сўмларни ажратиш унчалик осон иш эмас. Биз буни унутмаслигимиз керак. Биз техникани шундай парвариш қилайликки, у мумкин қадар кўпроқ ишлайдиган бўлсин. Шундай қилсак давлат манфаатини кўзлаб, омилкорлик билан ишлаган бўламиз.

Хўш, ҳар биримиз ҳам машинани яхши дўст деб билиб, машинага шунга яраша қараётирмиз, деб виждонан айта оламизми?? Агар чин кўнгилдан, бу саволга холис жавоб берадиган бўлсак, ҳар биримиз ҳам ана шундай қилмаётганлигимизни тан олишга тўғри келади.

Яқинда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ хўжалигида техникадан фойдаланишни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мен шу ҳужжатдаги қуйидаги сатрларни ён дафтаримга ёзиб олдим: «Кўпгина колхоз ва совхозларда ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларида, янги машиналар кўп миқдорда юборилаётганлигига қарамай, трактор, автомобиль, камбайн ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг сменалик ва кунлик бажараётган иши суст кўпаймоқда, айрим жойларда ҳатто камайиб кетмоқда. Чорвачилик фермаларининг машина-ускуналаридан қониқарсиз фойдаланилмоқда, қишлоқ хўжалик техникасининг асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб юборилишига йўл қўйилмоқда».

Бу гап биз, механизаторларга ва ремонтчиларга, хуллас техникага алоқадор ҳамма кишиларга айтилган таъна дир. Бу — кўп нарсалар ҳақида ўйлашга мажбур қилувчи жиддий таънадир.

Мен 1947 йилдан бери тракторчи бўлиб ишлайман. Қишлоқда тракторлар оз бўлган пайтлар эсимда. Ўша вақтда ҳар бир трактор ҳисобда эди, у она чақалоқни парвариш қилгандек парвариш қилинарди. Унинг бирор жойи бузилиб қолса, бутун қишлоқ оёққа турарди. Кўпинча трактор уч, тўрт муддат хизмат қилса ҳам, машина ишдан чиқмас эди.

Ҳозир эса ҳамма жойда ҳам пўлат от яхши парвариш қилинаётир деб бўлмайди. Айрим ҳолларда бир мавсум ҳам ишлатилмай темир-терсакка қўшиб юборилади. Эски машинани тузатгандан кўра, янгисини сотиб олиш осонроқ, албатта. Коллективлаштиришнинг дастлабки йилларида магазинда чит сотиб олишдан кўра ҳозир «Узсельхозтехника»да трактор сотиб олиш осонроқ бўлиб қолди. Лекин бу хўжасизлик қилишга ҳуқуқ бермайдику, ахир?!

Одамнинг тоби қочиб қолса, уни даволашади. Одамнинг дўсти — трактор бемор бўлиб қолганда ҳам уни даволаш керак эмасми? Бизда бригадаларда, бўлимларда техника хизмати пунктлари бор, хўжаликларнинг марказий ремонт устахоналари бор, «Узсельхозтехника» устахоналари бор. Лекин кўпинча шундай бўладики, трактор даладан тўппа-тўғри темир-терсаклар уюмига қўшиб юборилади.

Ҳалқ хизмат қилиши, инсонга кўпдан-кўп фойда келтириши мумкин бўлган машинани шунчалик шафқатсизлик билан жувонмарг қилишга қандай қилиб қўл боради.

Башарти машина доимо парвариш қилиб турилса, профилактика тадбирлари ўз вақтида ўтказилса, у барвақт даволанишга муҳтож бўлиб қолмайди. У кўп йиллар садоқат билан хизмат қилади. Машинага меҳрибонлик қилиб уни доимо шай сақловчи ва унинг бор кучидан фойдаланувчи ўнлаб механизаторларни биламан. Ўз тажрибамни ҳам айтишим мумкин. Механизатор ўртоқларимдан баъзи бирлари ҳар йили янги машина берилишини талаб қилаётганликларини кўриб мен, кекса тракторчи ачинаман.

Солдатларда: «Милтиқ эркалашни, тозалашни ва мойлашни севади» деган яхши мақол бор. Қишлоқ меҳнатчисининг жанговар қуроли бўлган трактор ҳам ана шундай. Қаровсиз ётган — узеллари бўшашиб кетган, ифлос машинани кўрганда кишининг юраги ачийди. Баъзи механизаторлар ишни тамомлагач ўзи ювинади, таранади-ю, тракторга қиё ҳам боқмай далага ташлаб кетади. Бундай кишиларни мен ўзининг ёрдамга муҳтож бўлган қалин дўстини ташлаб кетган киши деб биламан. Айтайлик, она қанчалик чарчаган бўлса ҳам, ўз фарзандини ювинтирмай, овқатлантирмай қолдирадими? Бас, шундай экан, сен, механизатор, дўстинг бўлган машина тўғрисида қайғурмай, қандай қилиб хотиржам ҳордиқ чиқара оласан?

Айрим кишилар механизаторларнинг: «Аввал машинани, сўнгра ўзингни ўйла» деган биринчи шиорини хафсаласизлик билан осонгина унутиб юборишади. Ҳар бир хўжаликда мутахассислар: инженерлар, механиклар отряди бор. Лекин тракторчи ўз машинасига қандай қараётганлигига кўз-қулоқ бўлувчи киши баъзан топилмай қолади. Бу ўринда мен ҳамма айбни мутахассисларга қўймоқчи эмасман. Бусиз ҳам уларнинг иши кўп.

Бизда механизаторлар етишмайди. Биз ҳар бир машинани икки сменада ишлатиш тўғрисида гапирамиз, айрим жойларда эса, бир сменада ишловчи кишиларни ҳам зўр-базўр топиш мумкин. Бир вақтлар Ғиждувондаги Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қизбиби Ҳусанова «Правда Востока» саҳифасида механизатор кадрлар тайёрлаш тўғрисида жуда жиддий ва зарур гапни бошлаган эди. Дарҳақиқат, биз ёшларимизни механизатор меҳнатига завқ-шавқли қилиб тарбиялаш тўғрисида тузук ғамхўрлик қилмаётирмиз. Мени ташвишлантираётган яна бир нарса шуки тракторчилар тайёрлаш курслари баъзан ишга шу қадар юзакичилик билан қарайдики, натижада бу курсларни битириб келган кишиларга далада механизаторлик фанини бошдан оёқ қайтадан ўргатишга тўғри келади.

Механизатор — қишлоқдаги ҳал қилувчи куч. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида Марказий Комитетнинг Бош секретари Л. И. Брежнев ана шундай деган эди. Кўрдингизми, механизатор дўстлар, пўлат отни эгарлаган кишини партия нақадар иззат-икром қилмоқда. Бизни халқ дала гвардиячилари деб ҳурмат қилмоқда, эъзозламоқда. Содиқ дўстимиз — машина бизга меҳнат шуҳрати, халқ эҳтиромини келтирди. Биз унинг бу яхшилигига ўз қўлларимизнинг маҳорати, қалбларимизнинг ҳарорати билангина муносиб жавоб бера оламиз.

Партиямиз Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг бу йил пландан ташқари 300 — 400 минг тонна пахта бериш тўғрисидаги даъватини республика пахтакорлари жон-дилдан маъқуллаб кутиб олдилар. Шу тариқа янги рақам: 4.400.000 рақами туғилди. Ўзбекистон бу йил Ватанга шунча миқдорда қимматли техника хом ашёси етказиб беришга азми қарор қилди. Ана шу ватанпарварлик мажбуриятининг ижроси учун биз, механизаторлар зиммасига катта, айтиш мумкинки, алоҳида масъулият юкланади. Биз пўлат этаклардан кам деганда икки миллион тонна пахта тўкишимиз керак. Зеро мен кўп сонли механизаторлар армиясидаги ҳар бир кишига бундай деб мурожаат қилмоқчиман: шуни эсдан чиқармагинки, кунлик нормангни бажармасанг, машинанг бекор туриб қолса — сен бригадани, колхоз ёки совхозингина орқага тортиб қолмай, бутун республикани ҳам доғда қолдиришинг мумкин. Чунки икки миллион тонна 30 минг пахта териш агрегатидан ҳар бирининг иш натижаси бўлади, буни асло унутма!

Биз, Пахтакор райони механизаторлари олдида бу йилги мавсумда айниқса масъулиятли вазифалар турибди. Чунки биз бутун ҳосилни фақат машинада териш мусобақасининг ташаббускори бўлиб чиқдик. Ҳар бир механик-ҳайдовчи ишга алоҳида ихлос ва ғайрат билан қараётганлигининг боиси ана шу.

«Самарқанд» совхозидаги ҳамма механик-ҳайдовчилар қатори мен ҳам пахта териш машинасини далага олиб чиқдим. Бу — мен учун 18- терим мавсуми бўлади. КПССнинг бўлажак съезди шарафига ўз ўғлим сменачим Бакир билан бирга 250 тонна пахтани, яъни бригаданинг бутун ҳосилини териб бериш мажбуриятини олганмиз.

Ҳар куни машинанинг таржимаи ҳолига янги саҳифа ёзилади. Ўзимиз сингари, пўлат ёрдамчимиз бўлган машиналаримиз ҳам ҳали кўп иш қилиши керак. Келинглар, машинага чин кўнгилдан: «Қадрдон машина, мададкоримсан!» деб айтайлик.

Маҳмуд НИШОНОВ,
Сирдарё область, Пахтакор районидаги «Самарқанд» совхозининг механик-ҳайдовчиси.
(«Правда Востока» газетасининг 16 сентябрь сонидан).

*

МАЪСУДАХОН Худойбердиева Ленин районидаги «Социализм» колхозида кўп ва сифатли пахта териб, кўпчиликка ибрат бўляпти. Мавсумда 14 тонна «оқ олтин» териш ҳақида сўз берган бу илғор теримчи ҳар куни хирмонга 170-180 килограммдан пахта териб тўкяпти. Суратда: М. Худойбердиева.

Т Ҳасанов фотоси.

*

ЛЕКТОРЛАР ДАЛАДА

Андижон областининг ишчи ва инженер-техник ходимлари шу кунларда ғайрат билан ишлаб, беш йилликнинг сўнгги йили планларини ошириб бажармоқдалар. Область деҳқонлари она-Ватанга 500 минг тонна «оқ олтин» ва мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари партиямизнинг Совет халқи фаровонлигини ошириш ҳақидаги ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир. Бу қарорга жавобан корхоналарда, далаларда, фермаларда жўшқин меҳнат қилаётган ватанпарварлар оширилган мажбуриятлар олиб ишламоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қишлоқ хўжалиги соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги докладини ва КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини меҳнаткашлар коллективларида кенг ўрганиш ва тушунтиришни таъминлаш вазифасини юклади.

Ана шу қарор асосида область партия комитети пленум ўтказиб, кенг тадбирлар белгилади. Бу тадбирлар айниқса Москва, Бўз, Избоскан ва Ленин районларида кенг амалга оширилмоқда. Айниқса Москва район партия комитети июль Пленуми қарорларини кенг меҳнаткашлар ўртасида пропаганда қилиш соҳасида муҳим тадбирлар белгилаб, уларни изчиллик билан амалга ошириб келаётир. Район «Билим» жамиятининг 290 аъзоси, 1078 агитатор, 710 сиёсий ахборотчи, 846 сиёсий ташкилотчи шу кунларда «Москва», Ленин номли, «Правда», «Ленинизм», «Ленинград», «Коммунизм», «Ленин йўли» Свердлов номли колхозларда Пленум қарорларини оммага кенг тушунтирмоқдалар. Лекторлардан Аъзамқул Эшонқулов, Мадаминжон Ҳусанов, Ғафуржон Қодиров, Турсунбой Абдураҳмонов, Нуъмонжон Ҳасанов ўқиган лекциялар тингловчиларда катта таассурот қолдираётир.

Область партия комитетининг ташаббуси билан Пленум материалларини кенг халқ оммасига тушунтириш мақсадида 30 кишидан иборат агитмашина тузилди. Агитмашинада Андижон педагогика ва пахтачилик институти, Союз НИХИ область тажриба станциясининг олимлари ва область бадиий ҳаваскорлар группаси бор. Улар район колхоз ва совхозларида бўлиб қизиқарли лекция ўтказмоқдалар. Лекция охирида бадиий ҳаваскорлар группаси томонидан концерт қўйиб беріляпти.

Айниқса, Ленин районида ташкил қилинган агит бригаданинг иши диққатга сазовордир. 16 кишидан иборат тузилган агитбригада аъзолари Пленум қарорларини колхозчиларга кенг тушунтирмоқдалар. Улар Ленин номли, «Социализм», «Правда Востока» каби колхозларнинг марказий дала шийпонларида бўлиб қизиқарли лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Бўз район партия комитети бюроси Пленум қарорларини кенг ўрганиш ва пропаганда қилиш масаласини муҳокама қилди ва тадбирлар белгилади. Пленум қарорлари райком тадбирлари асосида колхоз ва совхозларда, ташкилот ва муассасаларда, шунингдек, аҳоли ўртасида чуқур ўрганиляпти, ҳамда кенг тушунтириляпти.

Райком маданият бўлимининг оммавий-сиёсий ишлар юзасидан белгилаган тадбирини маъқуллади. Тадбирда, жумладан, агитбригада ташкил этиш кўзда тутилди. Агитатор, лектор ва бадиий ҳаваскорлар қатнашчиларидан иборат бу бригада ҳозир колхоз ва совхозларда бўлиб «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорининг тарихий аҳамияти», «Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда партиямиз қарорлари», «Механизация — қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш асоси», «Мелиорациянинг кенг тараққиёти — колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш ва кўтаришда асосий шарт» каби темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказмоқда.

А. РАҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

М. П. КУЗЬМИНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН ВА ТЕХНИКА АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Геодинамика соҳасидаги кўп йиллик самарали илмий-ишлаб чиқариш фаолияти, шунингдек миллий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун гидрогеология ва инженерлик геологияси институтининг инженерлик геодинамикаси бўлими мудири, геология-минерология фанлари доктори профессор Моисей Петрович **Кузьминовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.
1970 йил, 16 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. А. ПЕТРЕНКОГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ГЕОЛОГ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Узоқ йиллик, самарали ишлари ҳамда фойдали қазилма конларини топишда ва республиканинг минерал-хом ашё базасини ривожлантиришда актив қатнашганлиги учун СССР Геология министрлиги Краснохолмский экспедициясининг бошлиғи Алексей Александрович **Петренкога** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.
1970 йил, 16 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. А. РОНИНГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИНЖЕНЕР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Энергетика, қурилиш материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарини қуриш ва ишлатишдаги узоқ йиллик, самарали ишлари учун «Главсредазирсовхозстрой» ускуналаш ва комплектациялаш бошқармасининг бошлиғи Владимир Абрамович **Ронинга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.
1970 йил, 16 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

САМАРҚАНДНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ТАРИХ СЎҚМОҚЛАРИ

Самарқанд деганимизда кўз ўнгимизда халқ меъморчилик санъатининг нодир намуналари, буюк мунажжим Улуғбек расадхонаси, хуллас дунё аҳли диққатини ўзига жалб этган қадимий маданият ўчоғи намоён бўлади.

Партия ва ҳукуматимиз тарихий обидаларни муҳофаза қилишга катта аҳамият бераётир. Рим тенгдоши — Самарқандда ҳам қайта тиклаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Айниқса, бу тарихий шаҳарнинг 2500 йиллигига тайёргарлик қизғин кетяпти.

◆ ◆

Афросиёб — қадимги Самарқанд харобаси. Рим билан тенгдош бўлган Самарқанднинг 2500 йиллик юбилейини нишонлар эканмиз, унинг тарихий ёшини даставвал Афросиёбда бунёдга келган илк шаҳар ҳаётидан бошлаб ҳисоблаймиз.

Афросиёб территорияси ҳозирги Самарқанднинг эски шаҳар — Бозор жойига шимол томондан туташган яланғоч тепаликдан иборат бўлиб, Тошкентга ва Самарқанд аэропортига кетадиган катта йўллар уни кесиб ўтади. 170 гектардан ортиқ бу бўшлик қадимги Ўода бинолари тепалиги, уйжойлар, корхоналар, масжид ҳамда сарой бинолари дўнгликлари, қадимги ариқлар, ҳовузлар ўрни каби чуқурликлардан иборат. Бу азим шаҳар харобасининг «Афросиёб» деб аталиши масаласи кўп вақтлардан бери аниқ ёритилмай қолмоқда. Бу ном қадимги ном эмас. Маълумки, XIV, XV ва XVI аср адабиётларида у «Ҳисори қадим», «Боло қўрғон» каби номлар билан аталган. «Афросиёб» номи адабиётларда фақат XVIII асрдан бошлаб учрайди. Ҳозирги Самарқанд территорияси ва унинг атрофи жуда қадимдан то шаҳар ташкил топгунга қадар, овчи, балиқчи ва чорвачилардан иборат ибтидоий уруғ ва аймоқларнинг яшаш маскани бўлиб келган.

Эрамиздан бурун VI асрга келиб қабилалар иттифоқи Афросиёб территориясини ўзига танч қилиб, унинг атрофида кучли истеҳком вужудга келтирганлар. Чунки Афросиёбнинг фақат жануб томони очиқ текисликдан иборат бўлиб қолган томонлари чуқур жарликлар билан ўралган. Маълумки, эрамиздан олдин 329 йили Искандар бошлик македонияликлар бостириб келганда Мароканд (Самарқанд) шаҳрининг ташқи ҳамда ички қалъаси бўлган. Топилаётган археологик ёдгорликлар га кўра, эрамиздан бурун VI асрдан бошлаб Афросиёбда шаҳар қулдорлик тузуми шароитида узлуксиз давом этган. Эрамизнинг VI асрида феодализм тузуми ўрнатилгандан кейин Самарқанд Суғд подшолигининг пойтахти сифатида ривожлана бошлайди ва араблар истило қилгунга қадар шаҳар бирмунча кенгаяди ва обод бўлади. Шуни айтиб ўтиш кераккки, сомонийлар ҳукмронлиги (830 — 999 йиллар) даврида пойтахт шаҳар Бухоро бўлишига қарамай, Самарқанд дунё бозорига ҳунармандчиликнинг энг нафис намуналарини ва кишлоқ хўжалик маҳсулотларини чиқарувчи муҳим иқтисодий ҳамда ўткинчи бой товарларни йиғиб, тарқатувчи йирик савдо марказига айланган эди.

Сомонийлардан кейин қорахонийлар ҳукмронлик қила бошлади. Бу даврда аҳоли Афросиёб қалъаси ичидаги диққинафас ҳамда кам сув ҳаётни қўйиб, жануб дарвоза ташқарисида ҳозирги Самарқанд жойлашган территорияда серсув боғ-роғлар яратиб, хушҳаво очиқ ерларда уй-жой қуриб, истиқомат қила бошладилар.

Натижада ташқари шаҳар вужудга келди. 1220 йили Чингизхон бостириб келган пайтда шаҳарда 400.000 дан ортиқ аҳоли яшар эди. Чингизхон шаҳарни вайрон қилиш билан баробар Афросиёбга жануб томондан сув ўтказувчи кўтарма иншоот — машҳур Арзиз ариғини буздириб ташлади.

Бироқ кейинги йилларда Самарқанд шаҳрида ҳаёт яна ўз измига тушди. Маориф ва маданият ривожлана борди. 1700 йилча гуллаб-яшнаган бу хароба шаҳар ўрнида 1873 йилдан бошлаб Туркистон маъмурияти кўрсатмаси билан археологик текшириш ишлари бошлаб юборилди.

Афросиёбда чинакам археологик текшириш ишлари эса асосан иккинчи жаҳон урушидан кейин, профессор А. И. Тереножкин ҳамда профессор В. А. Шишкин раҳбарлигида давом эттирилди. Ҳозир Афросиёбда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва археология институтининг тўрт отряди, шунингдек, санъатшунослик институти, Тошкент ва Самарқанд Давлат университетларининг археология отрядлари ишламоқда. 1956-1967 йиллар мобайнида Афросиёб территориясининг ғарбий қисми асосан қазиб бўлинди. Бу район эрамиздан бурун VI асрдан, то эрамизгача обод бўлган. Бунинг исботи сифатида ўша даврдан бизнинг давргача сақланиб қолинган иморат қолдиқлари, уй-рўзғор буюмларини кўрсатиб ўтиш кифоя. IX асрдан бошлаб эса бу ерда обод кварталлар қурилган. Тош ётқизилган кўчаларнинг икки бетида хоналар, заргарлик ва бошқа хил устахоналар бўлган. Уларнинг деворлари ажойиб ўймакорлик ва рангдор ганч билан зийнатланган. Қазиб бўлинган ғарбий участка ҳужжатларига кўра, X аср охирларида аҳоли аста-секин ҳозирги Самарқандга кўчиб ўтган кўринади.

1968 йилдан бошлаб археология отрядлари шаҳарнинг шимолидаги энг баланд қисмини текширишга ўтган эди. Бу ерда 2500 йил илгари қурилган шаҳарнинг биринчи девори 6,5 метр чуқурликдан топилди. Деворнинг ўртача қалинлиги 7 метр бўлиб, остки пахсадан то устигача катта-катта хом ғиштлар билан уриб чиқилган. Сўнгра машҳур масжид Жоменинг харобалари ва арк қазилди. Масжид Жоменинг ўрни ҳам катта бўлиб, 2,5 метрдан ортиқ қалинликдаги деворлари ҳам ғиштлар билан урилган. Деворларда ганч шувоқлари ва ёнғин излари сақланиб қолган. Масжид деворларининг узунлиги 110 метр, эни эса 80 метрдан иборат. Худди шу ердан X асрда масжид бўлгани ҳақида гувоҳлик берувчи ёзма маълумотлар ҳам топилди.

Тарихий манбаларда ёзилишига кўра, 1220 йилнинг баҳорида руҳонийлар шаҳар дарвозасини Чингизхонга очиб берган. Меҳнаткаш халқ мўғулларга қарши курашиб, кучдан тойгандан кейингина шаҳарнинг тўридаги мазкур масжидга кириб олиб, у ердан қаршилик кўрсата бошлаган. Бундан ғазабланган мўғул саркардалари масжидга ўт қўйдирган. Бу ёнғиннинг излари сақланиб қолган. Баъзи жойлардан шаҳар мудофаачиларининг қиличлари ва бошқа буюмлари, масжид ҳовлиси томонида эса айвон устунлари остига қурилган ғишт иншоотлар борлиги ҳам аниқланди. Масжид биноси ичидан чорси ўра қаздириб қаралганда шу нарса маълум бўлдики, унинг ўрнида бинолар қурилган экан. Бу ерда қадим бутхона бўлганлиги ҳам эҳтимол. Шаҳарнинг аркида эса текшириш ишлари ўтган йил сентябрь ойида бошлаб юборилган эди. Ҳозир вайрона бўлган бинопарнинг устки қисми очилиб, текшириш давом эттирилмоқда.

Афросиёбнинг марказий қисмида 1965 йилда очилган VII аср Самарқанд ихшиди подшоси саройи ўрнини қазиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Кўринишдан саройи жуда каттага ўхшайди. Археологлар унинг фақат бир зали ҳамда унинг жануб, жануб-шарқидаги хоналарини очишга муваффақ бўлдилар. Суратли зал 12х12 метрли хонадан иборат бўлиб, эшиги шарқ томонга қурилган, хонанинг тўрт тараф деворларида ранг-баранг бўёқлар билан ишланган турли мазмундаги суратлар бор. Айниқса, хонанинг жануб деворига солинган суратлар киши эътиборини ўзига жалб қилади. Бунда шох тўйи манзараси маҳорат билан чизилган.

Хонанинг ғарб деворида ҳукмдорнинг тахтда ўтиргани тасвирланган бўлиб, бу девор бузилиб кетган ва ўтирган кимсанинг оёқларигина сақланиб қолган. Ҳукмдорнинг ўнг қўл томонида оқ кийим кийган энг катта амалдор (ўнг қўл вазири)нинг ёки олий мансаб руҳоний кимсанинг белидан пастки қисми сақланган. Бу кимсанинг этагига ва ундан пастга қараб қора сиёҳда қадимги суғдча хат билан ушбу қабул маросимига бағишлаб изоҳ ёзилган. Уни ленинградлик профессор В А Лившиц ўқиб, таржима қилиб берди. Ёзувнинг мазмуни шундай:

«Вақтики элчи ҳукмдор Вархумон ҳузурига келгач, у сўзга оғиз очди ва дедики: ман Чағаниён (ҳозирги Сурхондарё ҳавзасидаги қадимги ҳукумат — Я. Ғ) ҳукмдори Туронтошнинг элчиси Бурк ўғли Бурк бўламан; мен унинг тарафидан Самарқандга келдим ва ҳозир Самарқанд ҳукмдори ҳузурида турибман. Самарқанд ҳукмдори менинг ҳақимда шубҳаланмасин, чунки мен Самарқанд маъбудаларини яхши биламан. Самарқанд ёзувини яхши биламан ва Самарқанд ҳукмдорини ҳурматлайман. Ҳукмдор Вархуманга бахт ёр бўлсин. Энди Чоч (Тошкент ҳукуматининг — Я. Ғ.) элчиси сўзга оғиз очди...»

Шу жойда девор бети бузилган ва хат узилиб қолган.

Тахтда ўтирган кимса Самарқанд ҳукмдори Вархумандир. Чунки ўша даврдаги тарихий хроникаларда ва суғд чақа пулларида Самарқанд ихшиди Вархуманнинг номи кўп учрайди. Профессор В. А. Лившицнинг аниқлашига кўра, Вархуман 651 йилдан 687 йилгача Самарқанд ҳукмдори бўлиб турган. О. И. Смирнованинг текширишларига кўра, Вархуман 696 йилда ҳам Самарқанд тахтида намоён бўлади. Демак, хонанинг тўрида Вархуман тахт устиде тасвирланиб ўз аёни салтанати билан бирликда бир неча чет давлат элчилари хайъатини қабул қилмоқда. Эҳтимол, элчилар Вархуманнинг тахтга чиқишини қутлагани келишган бўлса керак, деган тахмин қилиш ҳам мумкин. Чунки бирданига бир неча давлат элчиларининг келиши янги ҳукмдорни муборакбод қилиш муносабати билан бўлар эди.

Хонанинг Шарқ томон деворидаги суратда тўлқинли дарё (денгиз)да балиқлар сузиб қушлар учиб юрибди. Шу суратда яланғоч гўдакларнинг сув кечиб боришаётгани акс эттирилган. Бизнинг тахминимизча, бу ерда қадимги оташпарастлар эътиқод қилган Вурукаша дарёси тасвирланган. Гўё бу дарё одам ва маҳлуқларни гуноҳдан тозаловчи саодат дарёси ҳисобланган. Унда софлик ва бегуноҳлик рамзи бўлган гўдак болалар ва балиқлар тасвирланганки бу тахминни ҳақиқатга яқинлаштиради.

Афросиёб қазилмалари натижасида яна бир хона қолдиқларининг топилиши бизга мавҳум бўлган кўпгина муаммоларни ечишда шубҳасиз катта ёрдам беради. Бу хона қарийб чорси шаклида каттагина бўлиб шифтлари эшик ва устунлари ўймакор ёғочлардан ишланган. Афсуски улар кўмир ҳолида топилди. Хонанинг супасида бир метр катталикдаги хушбичим зебо санамлардан учтаси кўмирга айланган ҳолда ётарди. Бундай санамлар Панжакент харобасидаги ибодатхонадан ҳам топилган эди. Хонанинг деворларида аллақандай суратлар бўлганга ўхшайди. Бироқ катта ёнғин натижасида улардан баъзиларигина қолган.

Тарих сўқмоқларига назар ташласак масала ўз-ўзидан равшанлашади. 712 йилда Қутайба Ибн Муслим бошчилигидаги араб босқинчилари Самарқандни забт этгач унинг ҳукмдори Ғурак билан қилинган битимга биноан Самарқанднинг ичкари қалъаси (Шаҳристон) арабларга бўшатиб берилган. Аҳоли эса ташқари қалъада қолган. Бу сарой ўша ичкари қалъа доирасидадир. Араблар ичкари қалъада, шу жумладан Вархуман саройида хўжайинлик қилганлар. Араблар Самарқандда 120 йил ҳукмронлик қилиб, натижада унинг ободончилигидан асар ҳам қолмаган. Фақат 830 йиллардан бошлаб маҳаллий феодаллардан сомонийлар хонадони ҳокимиятни ўз қўлига олиб араб халифалигидан мамлакатни бутунлай озод қилганидан кейингина Ўрта Осиёда феодализмнинг ривожи, шаҳарлар эса савдо ва ҳунар маркази сифатида ўса бошлади.

Яҳё ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси.

БУГУНГИ САМАРҚАНД. Суратда: опера ва балет театри биносининг кўриниши.

У. Абдуллаев фотоси.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

Чет элларда

ҚЎРИҚ ўзлаштирилмоқда

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Бундан ўн йил муқаддам монгол даштларидаги қўриқ ерларни ўзлаштиришга киришилган эди. Ўша вақтда бошқа хўжаликлар қатори Селенгин аймогида Монгол—Совет дўстлиги номидаги давлат хўжалиги барпо этилганди. Коммунистлар ва ревсомоллар совет мутахассислари билан биргаликда бир неча ўн минг гектар ерни шудгор қилдилар. Бу йил ғаллакорлар шу ернинг шароити учун дуруст ҳосил етиштирдилар.

Чўлқуварлар дастлабки йилларда омонат чодирларда ва ўтовларда истиқомат қилишган эди. Эндиликда хўжалик марказида оқ силикат ғиштдан қурилган иморатлардан иборат кўркам замонавий посёлка қад кўтариб турибди. Уни совет бинокорлари қуриб беришди. Бу ердаги уйларда ҳамма коммунал қулайликлар бор, мактаб, болалар боғчаси, маданият уйи ишлаб турибди. Давлат хўжалигида катта-катта ишлаб чиқариш объектлари — тўла механизациялаштирилган дон тозалаш станцияси, сутчилик фермаси, механика устахонаси ва бошқа иншоотлар қурилган.

ИККИНЧИ АГРЕГАТ

БУХАРЕСТ, 16 сентябрь. (ТАСС). Дунай дарёсидаги «Темир дарвоза» деган жойда Румыния билан Югославия биргаликда қураётган гидроэлектростанцияда румин бинокорлари ва монтажчилари навбатдаги меҳнат ғалабасига эришдилар. 178 минг киловатт қувватли иккинчи агрегатни ишлатиб, синаб кўриш бошланди.

Ҳозирча турбина «қуруққа» ишлаб турибди, унинг ҳамма узеллари узил-кесил созланиб бўлганидан кейингина сув босими остида синашга ўтилади.

Биринчи агрегат муддатидан олдин ишга туширилган эди. Иккинчи гидроагрегатнинг синовлари ҳам муддатидан олдин бошланди. Биринчи агрегат шу дамгача 30 миллион киловатт-соатдан кўпроқ электр энергия ишлаб чиқарди.

У ТАННИНГ ДОКЛАДИ

НЬЮ-ЙОРК, 15 сентябрь. ТАСС махсус мухбирлари **О. Аничкин, О. Пивоваров ва А. Хачикян** хабар берадилар:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари У Тан Бош Ассамблеяга тақдим этган йиллик докладида умуман дунёдаги вазият хусусида «эҳтиёткорлик билан умидворлик» билдириб, шу билан бирга ер юзининг турли районларида кескинликнинг хатарли манбалари борлигини таъкидлаб ўтди.

У Тан «Вьетнамдаги вайронгарчилик уруши, унинг фожиали оқибатлари» давом этаётганлиги муносабати билан тинчликка катта хавф солинаётганлигига эътиборни жалб қилди. «Бу можаро осонгина қўшни мамлакатларга ёйилганлигининг шоҳиди бўлдик», деди Бош секретарь.

У Суэцш канали зонасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисида эришилган битимнинг катта аҳамиятини таъкидлади ва бу битим «аниқ бажарилаётганлигини» айтди. Ҳозир Г. Ярринг кўмагида музокараларни яна бошлаш учун имкони бўлган ҳамма чораларни кўриш зарур, деди У Тан.

Бош секретарь химия ва бактериология қуролини батамом тақиқлаш соҳасида кўпроқ силжишга эришиш лозимлигини айтди. Стратегия қуроллари билан қуролланишни чеклаш мақсадида олиб борилаётган Совет — Америка музокаралари конкрет натижалар беришига у умид билдирди.

У Тан Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасида битим тузилганлигининг муҳимлигини таъкидлаб ўтди. «Бу шартнома ижобий аҳамиятга эга ва иккала томон ўртасидаги муносабатларни яхшилашга муҳим ҳисса қўшиши, иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларда ишончни мустаҳкамлашга ёрдам бериши лозим».

Претория маъмурлари апартеид сиёсатини тўхтатиш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеяси талабларини писанд қилмаётганлигига, Жанубий Африка Республикасининг ҳукумати бу сиёсатни Намибияда ҳам жорий этаётганлигига У Тан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг эътиборини жалб қилди. Айрим мамлакатлар, жумладан Португалия билан Жанубий Африка Республикаси Бош Ассамблеясининг Жанубий Родезиядаги ирқчи режимга қарши қаратилган қарорларини бажаришдан бош тортаётганлигини ҳам у таъкидлаб ўтди.

Тинчликни мустаҳкамлаш қуроли бўлиб хизмат қила оладиган, самарали халқаро ташкилотнинг иш кўриши зарурлиги ҳеч қачон ҳозирги вақтдагидек муҳим бўлмаган эди, дейилади У Таннинг докладида.

ЯПОНИЯ ЖАМОАТЧИЛИГИ БИЛАН УЧРАШУВ

ТОКИО, 16 сентябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Е. С. Насриддинова бошчилигида Японияда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети делегацияси мамлакат бўйлаб қилган сафарини тугатиб, бугун Япония жамоатчилигининг вакиллари билан учрашди.

Учрашувда Япония социалистик партиясининг, мамлакат касаба союзлари бош кенгаши ва турли жамоат ташкилотларининг таниқли намояндалари ҳозир бўлдилар. Е. С. Насриддинова СССР қонун чиқарувчи олий органининг иши тўғрисида, совет халқининг ҳаёти, Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг принциплари ҳақида янгилиш аҳлига гапириб берди.

СССР Олий Совети делегациясининг Японияда бўлиши муносабати билан бугун кечқурун совет элчихонасида қабул маросими ўтказилди.

Польша Халқ Республикаси. Иккинчи жаҳон уруши даврида Варшавада 90 процентга яқин вайронагарчилик бўлган эди. Халқ ҳокимияти йилларида эски вайрона шаҳарлар ўрнида янги — социалистик шаҳар барпо этилди. Варшава озод этилган кундан то шу пайтгача уй-жойлар жуда кўп қурилди, бу урушгача мавжуд бўлган уй-жойлардан кўпдир. Суратда: Иерусалим ҳиёбони билан Свентокшишк кўча чорраҳасида.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

МОНОПОЛИЯЛАР ҲУКУМАТИГА ҚАРШИ ЖАНГ

БРИТАНИЯ ТРЕД-ЮНИОНЛАРИ КОНГРЕССИ СЪЕЗДИНИНГ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

Англияда кўпдан бери одат бўлиб қолган традицияга кўра, ёзги сиёсий жимликнинг охирида бу ердаги курорт шаҳарларининг бирида инглиз касаба союзларининг съезди очилади. Бироқ, бу йил Англияда «ёзги сиёсий жимлик» бошланмади деса бўлади. Июнь ойида ўтказилган парламент сайлови, забастовка ҳаракати тўлқини одатдан ташқари кучайиб кетганлиги, Англия ҳукумати касаба союзларининг қўл-оёғини боғлаб қўйишга уринаётганлиги бу йилги, ёзни урушдан кейинги йилларнинг ҳеч бирида бўлмаган энг серғалва ёзга айлантиришди, деса бўлади.

Британия тред-юнионлари конгрессининг Брайтондаги собиқ король саройида бўлиб ўтган 102-йиллик съезди бутун Англия жамоатчилигининг диққат ва эътиборини ўзига тортди. Касаба союзларининг ҳуқуқларига, ишчилар синфининг турмуш даражасига монополиялар томонидан қилинаётган ҳужумга ишчилар ҳаракати қандай қаршилик кўрсатади деган ғоят муҳим саволга Англия меҳнаткашлари шу съезддан жавоб кутмоқда эди.

Бу сафарги съезд мамлакатдаги бутун касаба союз ҳаракати учун ниҳоят даражада мураккаб вазиятда тўпланди. Буюк Британия Коммунистик партияси Ижроия Комитетининг аъзоси Берг Рамелсон шу вазиятга жуда аниқ баҳо бериб, «ҳукумат ишчилар синфига қарши ошкора уруш очди» деди.

Июнда ўтказилган сайлов натижасида ҳокимият тепасига чиқиб олган консерваторлар ҳукумати касаба союзлари билан бошланган кураш узоқ давом этадиган ва қийин кураш бўлишини тушунади, чунки бир асрдан бери инглиз тред-юнионлари мамлакатнинг сиёсий ҳаётида қудратли куч бўлиб қолганлиги маълум. Ўз сафида ўн миллионга яқин кишини бирлаштирган Британия тред-юнионлари конгресси ҳукуматни ўзи қабул қилган қарорлардан воз кечишга ва Британия тред-юнионлари конгрессининг шартларига рози бўлишга мажбур қилдиришга қодир эканлигини кейинги воқеалар очиқ кўрсатди. Бунга бултурги фавқулодда съезд далил бўла олади. «Касаба союзлар билан хўжайинлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар» тўғрисида лейбористлар ҳукумати ҳозирлаётган ва ишчиларнинг забастовкалар ўтказиш ҳуқуқини чеклаб қўядиган қонун лойиҳасини ўша вақтда конгресс кескин равишда рад этган эди. Ўшанда ҳукумат чекинишга мажбур бўлди ва ишчилар манфаатига зид бўлган бу қонун парламентда муҳокама қилинмай қолди.

Лейбористлар уддалай олмаган ишни эндиликда консерваторлар ҳукумати амалга оширишга уринмоқда. Саноат капиталининг манфаатларини ошкора ифодаловчи бу ҳукумат ўз сиёсатининг капитал манфаатларини кўзловчи синфий сиёсат эканлигини сира яширмаётгани йўқ. Консерваторлар ўзлари эълон қилган сайлов олди манифестида «саноатдаги ўзаро муносабатларни тубдан қайта қурамиз», яъни инглиз касаба союзларини хўжайинлар билан мустақил музокаралар олиб бориш ва хўжайинларга қарши кураш воситаси сифатида забастовкалардан фойдаланиш тўғрисида кўп йиллик кураш натижасида қўлга киритган ҳуқуқларидан маҳрум қиламиз деб очиқдан-очиқ айтдилар.

Мамлакатда забастовка ҳаракати кучайиб бораётганлиги монополиячиларнинг ва улар қўлидаги матбуотнинг ғазабини қўзғатмоқда. «Таймс», «Дейли телеграф» ва «Дейли скитч» газеталари ҳар куни касаба союзларини айблаб, уларда «ватанпарварлик йўқ», «Улар масъулиятсизликка берилиб кетган», «мамлакатни ҳалокат ёқасига келтириб қўймоқдалар» деб даъво қилмоқдалар ва афкор оммани тред-юнионларга қарши қилиб қўйишга ва шундай вазиятда касаба союзларнинг манфаатига зид бўлган қонунни ўтказишга уриниб, касаба союзлар устига бошқа «гуноҳ»ларни ҳам тўнкамоқдалар.

Мана шу ҳолат съезддаги музокараларнинг характерини белгилаб берди. Кейинги ўн йил ичида тред-юнионларнинг ҳеч бир съезди бу йилгидек бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмаган эди. Шу нарса диққатга сазоворки, конгрессга тақдим этилган 80 резолюциядан фақат биттасигина бир овоздан қабул қилинмади, холос. Мамлакатнинг ишчилар ҳаракати олдида пайдо бўлган хавф касаба союзларини жипслаштиришга, ўзларининг ички зиддиятларини бир ёққа суриб қўйишга мажбур қилди. Касаба союз ҳаракатининг ҳатто ошкора ўнг раҳбарлари ҳам иккаланиб қолишдан қўрқиб, ички сиёсий проблемалар борасида ҳам, халқаро масалалар борасида ҳам радикал резолюцияларни қўллаб-қувватлашга мажбур.

Консерваторлар ўтказаётган йўл касаба союзлар томонидан қатъиян рад этилди. Энг катта тред-юнионларнинг, чунончи транспорт ишчилари ва малакасиз ишчилар касаба союзининг машинасозлар, кончилар бирлашган касаба союзининг раҳбарлари Жек Жонс, Хью Скэлен, Лоуренс Дели резолюциялар юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиқиб, ҳукумат шаънига ўз фикрларини очиқ ва равшан қилиб айтдилар. Улар касаба союзлар манфаатига зид бўлган қонунларни ўтказиш планларининг ҳаммасини тред-юнионлар барбод қилади, бунинг учун касаба союзлари ўзларининг ҳамма имкониятларидан фойдаланишга тайёрдирлар, дейишди Бир овоздан қабул қилинган резолюцияда «конгресс касаба союзларининг оғир курашда қўлга киритган ҳуқуқларини сақлаб қолишга ва мустаҳкамлай беришга ўзининг маҳкам бел боғлаганлигини билдиради» дейилади.

Съездда сўзга чиққан делегатларнинг ҳаммаси консерваторларнинг иқтисодий сиёсатидан, айниқса ҳукумат иш ҳақини оширмасликка қарор қилганлигидан ўзларининг бутунлай норози эканликларини айтишди. Транспорт ишчилари ва малакасиз ишчиларнинг бир ярим миллион аъзога эга бўлган касаба союзи раҳбари Жек Жонс «иш ҳақини оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида ҳукуматнинг ҳар қандай уринишига жавобан инглиз касаба союзлари кескин равишда жавоб чораларини кўрадилар» деди. У, Англияда беш миллиондан кўпроқ кишининг иш ҳақи касаба союзлари талаб қилаётган даражадан паст эканлигини съездга эслатиб ўтди. Ваҳолонки, деди у, шу «даражанинг ўзи ҳам бир амаллаб кун кўришга аранг етади».

Съезд делегатлари бир овоздан қабул қилинган резолюцияда АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги агрессиясини қаттиқ қораладилар ва Америка қўшинларининг ҳаммасини Вьетнамдан олиб чиқиб кетишни талаб қилдилар.

Европадаги хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаб Умумевропа конференциясини чақириш тўғрисида социалистик мамлакатларнинг ташаббуси маъқулланган резолюцияни съезд қабул қилганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Съезд мамлакат учун ҳаётий муҳим бўлган шу масалада Англия ҳукумати ўтказиб келаётган ғаламислик сиёсатини қоралади.

Съезднинг натижалари консерваторлар ҳукумати ҳокимиятни қўлга олгандан кейин касаба союзлар кайфиятида муҳим ўзгаришлар рўй берганлигини акс эттирди. Англияда сиёсий вазият ўзгарганлиги касаба союзлар ҳаракатида сўл кучларининг бир мунча мустаҳкамланиб боришига ёрдам берди. Британия касаба союзлари конгрессининг бош кенгашига ўтказилган сайлов натижасида сўл қанот вакиллари 32 ўриндан 12 ўрин олдилар. Бу эса бош кенгашнинг у ёки бу хил қарорлар қабул қилишига ҳеч шубҳасиз таъсир ўтказиши мумкин.

Англия касаба союзлари ҳаракати тарихида ҳар хил даврлар бўлган. Касаба союз ҳаракати зўр юксалиш ҳолатини ҳам бошидан кечирган, ўшанда капитални жиддий ён беришларга мажбур этган. Британия касаба союзлари конгресси, афсуски, ўз жиловини ўнг оппортунист раҳбарлар қўлига бериб қўйиб, антимонополистик куч бўлиш ўрнига катта бизнеснинг ишчилар синфи билан муносабатларида воситачилик ролини ўйнаган вақтлар ҳам бўлган. Бу сафарги съезд ҳозирги вақтда Англиянинг ишчилар синфи бир ёқадан бош чиқариб монополиячиларнинг планларини мағлубиятга учратишга ва монополиячилар ҳукуматининг меҳнаткашлар турмуш даражасига ҳужумни кучайтириш йўли билан мамлакатнинг иқтисодий қийинчиликларини ҳал этиш учун қилаётган барча уринишларига қарши курашишга интилаётганлигини кўрсатиб турибди.

А. ДРЯХЛОВ.
(ТАСС мухбири).

Лондон.

ВЬЕТНАМ ИНФОРМАЦИЯ АГЕНТЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги (ВИА) 15 сентябрда 25 ёшга тўлди. Ёш республиканинг ахборот органи Вьетнам Демократик Республикаси эълон қилиниши биланоқ тузилган эди. Президент Хо Ши Мин 2 сентябрь куни Ханойдаги Ба-Динь майдонида эълон қилган мустақиллик декларацияси шу агентлик радио орқали тарқатган биринчи материал бўлган эди.

Ўтган йиллар мобайнида ВИА катта синовлардан ўтди. Агентлик ходимлари француз мустамлакачиларига қарши уруш даврида чангалзорларда фидокорона меҳнат қилдилар. Улар Вьетнам халқининг Дьенбьенфу яқинида 1954 йилда эришган қаҳрамонона ғалабасини дунёга биринчи бўлиб хабар қилдилар.

Ҳозирги вақтда Вьетнам информация агентлиги бутун жаҳон жамоатчилигини Вьетнам халқининг АҚШ агрессиясига қарши олиб бораётган матонатли кураши билан, Вьетнам Демократик Республикасида Вьетнам меҳнаткашлар партияси раҳбарлигида социалистик қурилиш қандай давом этаётганлиги билан таништириб турибди. Вьетнам халқининг адолатли иши халқаро миқёсда қандай қўллаб-қувватланаётганлиги ва унга қандай ёрдам берилаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар агентлик хабарларида катта ўрин олмоқда.

Эндиликда ВИА социалистик мамлакатнинг бақувват агентлиги бўлиб, Вьетнам Демократик Республикаси ичкарисида унинг жуда кўп мухбирлари бор. У озодлик матбуот агентлиги билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Вьетнам информация агентлигининг ТАСС билан ва бошқа социалистик мамлакатларнинг агентликлари билан қардошлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланмоқда.

ЦИРК МАЙДОНИДА БОРИСОВЛАР ОИЛАСИ

Шу кунларда мардлар майдони саналган циркимиз серзавқ томошабинлар билан гавжум бўлиб турибди. Тошкентлик цирк муҳлислари машҳур шер ўргатувчи Макс Борисов авлоди бўлган цирк санъати усталарининг чиқишларини мароқ билан томоша қилмоқдалар. Тошкент цирк майдонида таниқли шер ўргатувчи Владимир Борисов болгар манеж усталари билан биргаликда катта программада томошалар кўрсатмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, цирк майдонида Борисовлар оиласи аъзоларидан Римма Васильевна Борисова, Ольга Борисова ҳамда 7 ёшли Ларочка ўз маҳоратларини намойиш қилмоқда. Борисовлар оиласи аъзолари цирк майдонида ўргатилган итлар билан ва «Буйный» лақабли отда ажойиб номерларни усталик билан бажаришмоқда.

Манеж майдонининг мард санъаткори саналган Макс Борисов авлоди ўз оталарининг бошлаган изидан бориб цирк санъатининг шуҳратини оламга намойиш этишмоқда. Тошкентлик томошабинлар Борисовлар оиласи маҳоратидан ғоят мамнун бўлишмоқда.

Рассом Н. Меламед чизиб келган бу суратларда Борисовлар оиласи аъзоларининг чиқишларини кўриб турибсиз.

ЧЕМПИОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Футбол

Ўтган куни Москвада Швейцариянинг «Базель» командаси Москва спартакчилари билан беллашди. «Спартак» командаси мамлакатимиз футбол биринчилигининг ўтган йилги ғолиби бўлгани сабабли Европа чемпионлари кубоги учун кураш мусобақаларида иштирок этиш шарафига эришганди.

Европа чемпионлари беллашувида ҳисобни очиш мамлакатимиз футболчиларига насиб этди. 17- минутда ўз командаси устунлигини таъминлаган Осянин яна 66- минутда бурчакдан тепилган тўпни боши билан «Базель» командаси дарвозасига киритди. 76- минутда Папаев олисдан туриб нишонни тўғри олди ва рақиб томон дарвозасига тўп киритиб, ҳисобни 3:0 қилишга муваффақ бўлди.

Шундан кейин спартакчилар ғалаба мутлақ бўлади деб ҳисоблаб, ҳимояни сусайтириб юбордилар. Натижада «Базель» командасининг футболчиси Одерматт 79- минутда киритган тўпдан сўнг, ўйновчи тренер Бентхауснинг маҳорати туфайли 85- минутда ҳисоб 3:2 бўлди. Шундан сўнгги 5 минут давомида бўлган уринишлар беоқибат қолди.

Энди спартакчилар 30 сентябрь куни Базель шаҳрида Швейцария командаси билан ўйинда ё дуранг, ёки ғалаба қилсагина яна курашни давом эттира оладилар.

Шу куни Львов шаҳрининг «Карпати» командаси кубок эгалари кубоги учун ўйинда Руминиянинг «Стяуа» командасидан 0:1 ҳисобида мағлубиятга учради.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт. 8.25 — Пахтакорлар ҳақида қўшиқлар. 9.30 — Б. Гиенко. Симфоник баллада. 9.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат (тожикча). 10.10 — Енгил куйлар. 11.15 — «Пахтакор район коммунистлари мусобақа илғорлари» (русча). 11.30 — Ёш ижрочилар концерти. 11.45 — Москва. 12.15 — Д. Зокиров. Б. Умиджонов. «Асрим садоси» кантатаси. 13.30 — Кинофильмлардан куйлар. 16.10 — Ёшлар учун музикали соат. 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 17.00 — «Скрипкачи Жозеф Сигети». Музикали эшиттириш (русча). 18.00 — Илмий атеистик темаларда эшиттириш. 18.10 — Я. Қурбон шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 19.20 — Радиоэшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (татарча). 20.00 — «Ўзбекистон индустриалкий» радиожурнали. 20.30 — Саноат ходимлари учун концерт. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Пахта далалари меҳнаткашларининг талабларига мувофиқ концерт. 21.45 — Тарих фанлари кандидати Э. Ҳайитбоевнинг «КПСС — жаҳон социал системасининг бирлиги ва қудратини мустаҳкамлаш учун курашда. 22.30 — Театр микрофон олдида. Ҳамза номли театрнинг «Ўғирланган умр» спектаклининг монтажи.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. **Рус тилида:** — 18.30 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.10 — «АХБОРОТ». 19.25 — Л. Бетховен. 23-соната. «Аппассионата». 20.00 — Реклама. 20.05 — Программа. **Ўзбек тилида:** — 20.15 — «АХБОРОТ». 20.30 — Илмий оммабоп программа. 21.10—КПСС XXIV съезди шарафига. 21.30 — Янгиликлар. 21.35 — «БЎСТОН».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА. 13.05 — Янгиликлар. 13.15 — «Табиат қўриқчилари». 13.45 — Ҳарбий оркестрлар кўрик-конкурсининг III тури. 15.00 — «Қизил япроқлар» (бадиий фильм). 16.30 — Янгиликлар. ТОШКЕНТ. **Рус тилида:** — 18.00 — Фильм-эртак. 18.55 — Ўқув кўрсатувлари. МОСКВА. 20.05 — Янгиликлар. 20.10 — Мультфильм. 21.00 — Янгиликлар. 21.05 — «Жасорат». 22.00 — Ҳужжатли кинеочерк. 22.10 — «Фильм-спектакль». 23.30 — «ВАҚТ».

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. **Ўзбек тилида:** 20.00 — Тошкент истиқболи. 20.20 — Ҳужжатли фильм. **Рус тилида:** — 20.30 — «Азимут». 21.00 — «Тентак» (Бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/IX да **Жизель**, 19/IX да **Рус кишилари.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IX да **Ўғирланган умр**, 19/IX да **Парвона.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Совет Иттифоқи ва Болгария цирки усталарининг томошалари. ЎРГАТИЛГАН АРСЛОНЛАРНИНГ КАТТА АТТРАКЦИОНИ. Ўргатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист ВЛАДИМИР БОРИСОВ.** (Томошалар кеч соат 8 да бошланади. Шанба кунлари: кундуз соат 3, кеч 8 да; якшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томошалар кўрсатилади).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Резидентнинг тақдири — «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кеч 9 да).

Виннету — апачлар йўлбошчиси — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Озод туғилган (эрталаб соат 10 да), **Парад-алле** (кундуз ва кечқурун) — «ЧАЙКА».

Гайдуклар қасоси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сайҳа — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз ва кечқурун).

Резидентнинг хатоси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 2, кеч 7 да).

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари университет сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти М. Т. Ризаевга отаси

Тошпўлат РИЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари, табиёт-география факультети коллективи зоология кафедрасининг мудири доцент Ф. Эшонқуловага онаси

Баҳриниса ЭШОНҚУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 23—27. Урганч — 34—55. Фарғона — 4—29—44.

№ Г. — 218. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 14658.